

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ**  
**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**  
**ЖАҲОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

4-курс “Г” гуруҳи талабаси

**ҒАФҒОРОВА ГУЛНОЗАХОН**

**ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА**  
**РОССИЯНИНГ ХАЛҚАРО АҲВОЛИ ВА**  
**ТАШҚИ СИЁСАТИ**

5120300 – “Тарих” (минтақалар ва мамлакатлар бўйича) таълим  
йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ**

Иш раҳбари: катта ўқитувчи Б. Абдуллаев

Андижон – 2017 йил

## М У Н Д А Р И Ж А

<b>1. Кириш .....</b>	<b>3-12</b>
<b>2. XIX асрнинг 60-70-йилларида Россия империяси олиб борган мустамлакачилик сиёсати .....</b>	<b>13-27</b>
2.1. Ўрта Осиёнинг босиб олиниши. Кавказни босиб олишнинг тугалланиши .....	13-24
2.2. Россиянинг Тинч океандаги мулклари. Россия империясининг Узоқ Шарқдаги сиёсати .....	24-27
<b>3. Европадаги халқаро вазият ва унинг Россияга таъсири .....</b>	<b>28-46</b>
3.1. Россия ва Қрим урушидан кейин Европадаги ташқи сиёсий воқеалар .....	28-31
3.2. Болқон ярим оролидаги вазият ва Россия .....	32-34
3.3. 1877 - 1878 йиллардаги рус-турк уруши .....	35-46
<b>4. Россиянинг XIX асрнинг 80-90-йилларида олиб борган ташқи сиёсати .....</b>	<b>47-60</b>
4.1. Россия империяси ташқи сиёсатининг мақсадлари ва халқаро вазият .....	47-51
4.2. Россия ва Англиянинг Ўрта Осиёдаги рақобати .....	51-52
4.3. Болгариядаги воқеалар ва Россия .....	52-54
4.4. Россиянинг Германия билан ўзаро муносабатлари .....	54-56
4.5. Франция-Россия иттифоқининг вужудга келиши .....	56-58
4.6. Узоқ Шарқдаги ахвол .....	58-60
<b>5. Хулоса .....</b>	<b>61-69</b>
<b>6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>70-73</b>
<b>7. Иловалар .....</b>	<b>74</b>

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ҳозирги давр, яъни ХХІ асрнинг биринчи чораги жаҳон тарихига ижтимоий дунёқарашда, жаҳон ҳамжамиятининг геополитик тузилишида туб ўзгаришлар даври бўлиб кирмоқда.

Жаҳон янги даврга қадам қўйди. Жаҳон тарихида икки мафкуравий тузумни кураши ҳалқаро ҳаётнинг ҳамма соҳаларига соя ташлаши остида ўтган кучли қарама қаршилиқлар барҳам тобди. Дунёда янги тартибларнинг шакллантириш жараёни минтақалар даражасидаги ва минтақалар ичидаги эскидан сақланиб келаётган зимдан тутаб ётган, ҳар хил тарихий, этник, сиёсий, диний ва бошқа сабабларга эга бўлган можароларни кескинлашуви билан юз берди. Бу даврнинг ўзига хос белгилари, яъни давлатлар ва халқлар ўртасидаги яқинлашув жараёнлари, ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит сиёсий ва иқтисодий маконларнинг келишини ташкил этган бўлса, миллий истиқлол шарофати туфайли биз ўтмиш тараққиёт йўлимизни, жаҳон халқлари тарихини ҳеч бир мафкуравий ақидаларсиз ўрганиш ва ёритиш имконига эга бўлдик.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида ижтимоий тараққиётнинг ҳаётий ривожланиш босқичларини чуқур ўрганиш зарурияти, миллий тарихнинг юксалиши ва инқирозлик даврларини мустақиллик мафкураси нуктаи назаридан тушунтириш, мустамлакачи Россия империяси ва совет тузумлари сиёсати салбий оқибатларининг барча кўринишларини ёритиб бериш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий камол топишида тарих фанининг родини оширишни таъкидлаб ўтганди.<sup>1</sup>

Ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарурлиги айтилган инсонни уйғонишга, ўзлигини англашга даъват этмоқда.

Айтилган ўзликни билиш инсонни ўз ўтмиши ва аждодларига қизишидан

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Шарқ. 1998. - Б.25.

бошланиши ҳақиқат эканлигини уқтирмоқда.

Ўзликни англаш - энг аввало, ўтмишни ўрганишда, тарихга эҳтиёж сезишдан бошланади. Дарҳақиқат ўзини англаётган, ўзини тушунаётган ҳар бир инсон ўз аجدодлари кимлар бўлгани, ота-боболари нима билан шуғулланишгани ва қандай ҳаёт кечиришганини билиб олишга интилади.

Ҳаққоний тарихимизни барпо этиш, аввало, кўп минг йиллик бой ўтмишимизни тадқиқ этишни яхлит концепциясини, янги дастурини, илмий изланиш услубини ва берилган вазифани амалга оширадиган илмий муассасалар, кадрлар масаласини аниқлаб олишдан бошлаш керак эди. Бу ишнинг осон эмаслигини бугун ҳаммамиз тушуниб етдик.

Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек, “... яқин вақтларгача ижтимоий фанлар аслида сиёсат манфаатларига хизмат қилар эди. Бу эса илмий тадқиқотлар мавзусини белгилашга, бу тадқиқотларнинг доираси, характери ва йўналишларига, жамиятшунос олимларнинг дунёқараши ва методология йўл-йўриқларига ўз тамғасини босди.”<sup>2</sup>

Инсоният қадим замонлардан буён жамоа бўлиб яшаб, жамоаларнинг аста-секин ривожланиши Ер қуррасида давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Ҳозирги замон дунё харитасига назар солсангиз, унда сайёрамиз қуруқлик майдонининг каттагина қисмини эгаллайдиган улкан давлатлар билан бир қаторда, дунё харитасида, ҳатто, кичкина нуқтага тенг майдонни эгалламайдиган, аммо жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси бўлган, митти давлатлар ҳам мавжуд. Шунингдек, сайёрамизда дунёнинг олтидан бир қисми аҳолиси истиқомат қиладиган Хитой давлати ва ўзининг байроғига, гербига эга, турли рўйхатларда алоҳида маъмурий бирлик сифатида тан олинган, аммо бор-йўғи 48 киши (яъни 9 оила вакиллари) яшайдиган Питкэрн ороли каби ҳудудлар ҳам бор<sup>3</sup>.

Инсоният ҳалқаро муносабатлар тараққиётининг янги босқичига кирди.

---

<sup>2</sup>Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон. 2011. - Б.88.

<sup>3</sup> Гадоев К. Сайёрамиз мўъжизалари. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б.5.

Бу босқич дунё миқёсидаги иқтисодий ва сиёсий муносабатларни ҳар томонлама кенгайтириши ва чуқурлаштириши билан ажралиб туради.

Ўзбекистон мустақил ривожланишдаги ўтган қисқа тарихий даврда республикани суверен давлат сифатида қарор топтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Ҳозирда Ўзбекистонни 165 дан ортиқ давлат тан олган. Дунёдаги 130 дан ортиқ мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Тошкентда 35 дан ортиқ мамлакатларнинг элчихоналари фаолият кўрсатмоқда.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлди. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома доирасида изчил ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2017 йилнинг 4-5 апрель кунлари Россияга давлат ташрифи чоғида шундай деган эди: “Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик юксак ишонч ва ўзаро ҳурмат асосида ривожланмоқда. Турли даражадаги алоқалар фаоллашгани мамлакатларимиз кўп қиррали муносабатларни кенгайтиришдан бирдек манфаатдор эканининг тасдиғидир”.<sup>4</sup>

Ўзбекистон ва Россия халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Икки мамлакатнинг ташқи сиёсат, ташқи савдо, мудофаа маҳкамалари ўртасида ўзаро маслаҳатлашувлар изчил амалга оширилмоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

---

<sup>4</sup> Манба: PREZIDENT.UZ (Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг расмий веб-сайти маълумотларидан олинди).

“Ўзбекистон билан ҳамкорликни янги босқичда давом эттириш биз учун катта аҳамиятга эга, - деган эди Россия Президенти В.В.Путин. - Мамлакатларимизда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳали тўла фойдаланилмаётган имкониятлар кўп, уларни ишга солишдан икки томон ҳам манфаатдор”.<sup>5</sup>

Ўзбекистон – Россия муносабатларида савдо-иқтисодий ҳамкорлик асосий ўрин тутади. 2013-2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури, 2015-2019 йилларда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига оид ҳукуматлараро битимга мувофиқ бу соҳадаги алоқалар изчил тараққий этмоқда.

“Ўзбекистон Россиянинг энг ишончли ҳамкорларидан бири, - деган эди Россия ҳукумати раҳбари Дмитрий Медведев. - Икки давлат турли соҳаларда ишончли ҳамкорлик қилиб келмоқда”.<sup>6</sup>

Россия Ўзбекистоннинг етакчи савдо шерикларидан бири. Ўзбекистон Россияга табиий газ, транспорт воситалари, қора ва рангли металллар, трикотаж, пахта толаси, мева-сабзавотлар, турли хизматлар экспорт қилади. Россия мамлакатимизга транспорт воситалари, кимё ва қоғоз саноати товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беради.

Ўзбекистонда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 961 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда Россиянинг 64 фирма ва компанияси ваколатхонаси очилган. Россия Федерацияси ҳудудида ўзбекистонлик ҳамкорлар билан 569 тадбиркорлик субъекти ташкил этилган бўлиб, улар самарали фаолият олиб бормоқда.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ортиб бормоқда. Хусусан, сўнгги вақтларда қишлоқ хўжалигида бу кўрсаткич икки баробар ўсган.

Икки мамлакат ҳам ёнилғи-энергетика соҳасида улкан салоҳиятга эга. Бу мазкур йўналишдаги ҳамкорлик ривожда муҳим ўрин тутмоқда.

---

<sup>5</sup> Манба: PREZIDENT.UZ (Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг расмий веб-сайти маълумотларидан олинди).

<sup>6</sup>Ўша манба.

Россиянинг «Лукойл» ва «Газпром» компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва ўзлаштиришда фаол иштирок этмоқда. 2016 йилда Бухоро вилоятида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Лукойл» компанияси ҳамкорлигида Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши бошланди. Дунёдаги етакчи энергетика компанияларидан бири бўлган «Газпром» Ўзбекистонда геология-қидирув ишлари олиб бориш ва истиқболли углеводород конларини ўзлаштириш бўйича йирик лойиҳаларни амалга оширишда, шунингдек, табиий газни экспортга етказиб беришда фаол иштирок этмоқда. Устюртда ўтказилган геология-қидирув тадқиқотлари натижасида "Жел" газ конденсати кони очилди. "Шахпахти" кони биргаликда ўзлаштирилмоқда. Ҳозиргача у ердан 3,5 миллиард куб метр газ қазиб олинди.

Ўзбекистон автомобиллари Россияда доим харидоргир. «Matiz», «Nexia» каби машиналаримиз бу ерда бир неча бор йилнинг энг яхши автомобили, деб топилган. 2016 йилда ушбу мамлакатда янги бренд остидаги «Ravon Gentra» автомобили савдоси ўсган.

Серкүёш заминимизда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларига дунё бозорида талаб юқори. Биринчи Президентимизнинг 2016 йил 12 апрелдаги «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ушбу маҳсулотлар экспортини янада оширишга мустаҳкам замин яратди. 2016 йил якунларига кўра, қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 20 фоизга ўсиб, 398 миллион долларга етган.

Ўзбекистон билан Россиянинг маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро ҳамкорлиги ҳам изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Россия тиббиёт фани ва таълимини ривожлантириш, клиник, профилактик, экспериментал кардиология соҳаларида янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон тўла ҳуқуқни асосда энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотлар таркибига кирган бўлиб, барча китъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириб бормоқда<sup>7</sup>. Жаҳондаги давлатларни мамлакатимизга қизиқиши улкан даражада экан, натижада бу мамлакатларнинг маданияти, тарихи, тили ва урф одатларини мукамал даражада билишни талаб этади.

Шунинг учун ҳам мен битирув малакавий ишим мавзуси сифати Россиянинг XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ҳаётини ёритишга ҳаракат қилдим.

Мақсад шуки фанда бизнинг тарихий томирларимизни аниқлайдиган нафақат бизни, балки узоқ ва яқинимиздаги давлатлар, жумладан Россия тарихини ёритадиган янги йўналишлар пайдо бўлиш керак.

Биз ўрганмоқчи бўлган жаҳондаги йирик давлатлардан бири Россия давлатида ҳам бугунга келиб мамлакат тарихини ўрганишга катта эътибор берилган. Ҳозирда яратилган Россия тарихи давлатни ҳозирги тузилишини, ундаги ижтимоий сиёсий сохаларда олиб борилаётган ишларда кўриш мумкин.

Давлатнинг расмий номи - Россия Федерацияси, пойтахти - Москва, худуди - 17075000 км<sup>2</sup>, аҳолиси - 145000000 кишидан ортиқроқни ташкил этади. Европа ва Осиё китъаларида жойлашган давлат. Майдони жиҳатдан дунёдаги энг йирик давлат ҳисобланади. Ғарбда дунёдаги текисликларнинг энг йириги – Шарқий Европа текислигига жойлашган. Турли туман қазилма бойликларнинг йирик захираларига эга. Мамлакат худудининг йириклигига қарамай қишлоқ хўжалигида ерларнинг нисбатан оз қисми фойдаланилади. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат худудининг 8-10% ни ташкил этади. Худуднинг катта қисми доимий музлик зонасига тўғри келади. Мамлакатнинг катта қисми мўътадил иқлим даражасида,

---

<sup>7</sup> Каримов. И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. , Тошкент. 1997. - Б-296.



Шимолликнинг чекка ҳудудлари ва шимолий ороллар арктик иқлимга яқин. Мамлакатнинг деярли бутун ҳудудларда континентал иқлим ҳукм суради. Россия ҳудудининг катта қисми ўрмонлар билан қопланган.

Давлат тузилишига кўра Федератив Республика, федерация таркибида 89 та субъект, жумладан 49 та вилоят, 21 та республика, 1 та автоном вилоят, 1 та округ, 6 та ўлкалардан иборатдир. Ҳозирда субъектларнинг қўшилиш жараёни юз бермоқда.

Россия Федерацияси 1991 йил 24 августда ўз мустақиллигини эълон қилган, собиқ иттифоқ тарқалгунга қадар аввалги номи РСФСР ҳисобланган.

Миллий байрамлари 12 июнь (Давлат суверенитети тўғрисидаги Декларация қабул қилинган кун) ва 12 декабрь (Конституция куни). Давлат бошлиғи президент. Ижро этувчи ҳокимият премьер министр бошчилигидаги ҳукуматга тегишлидир. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент, юқори палата-федерация кенгаши ва қуйи палата Давлат думаси томонидан амалга оширилади<sup>8</sup>.

Биз ўрганаётган мавзу, яъни “XIX асрнинг иккинчи ярмида Россиянинг халқаро аҳволи ва ташқи сиёсати” мавзуси нафақат рус тарихида, балки жаҳон тарихидаги долзарб мавзулардан бири саналади. Бунга сабаб Россия тарихидаги бу жуда ҳам қисқа давр, яъни XIX асрнинг иккинчи ярми мобайнида кўплаб тарихий воқеа-ҳодисалар рўй берган-ки (XIX аср иккинчи ярмига келганда Россия Европадаги энг йирик давлатлардан бири бўлиб қолди. Унинг территорияси (тахминан 16 млн. кв.км) шимолда Баренц денгизидан тортиб, жанубда Кавказ ва Қора денгизгача, ғарбда Балтика денгизидан тортиб, шарқда Тинч океангача бўлган ерларни ўз ичига олган эди. Россия империяси жаҳоннинг қудратли давлатлари Буюк Британия, Франция ва Германия империялари қатори катта мустамлакачи давлат бўлиб қолди. Болтиқ бўйларида Кавказ тоғларигача, Украина даштларидан Узоқ Шарқ ва

---

<sup>8</sup> Жаҳон мамлакатлари. Қисқача маълумотнома. - Т., 2006.Б-246.

Ўрта Осиё худудларигача чўзилган ерларда империянинг икки бошли бургут тасвири туширилган оқ-яшил байроғи ўрнатилиб, Россия Польша, Финляндия, Болтиқбўйи мамлакатлари, Кавказ ўлкаси, Бошқирдистон, Сибирь ва қалмоқлар юрти унинг тахти тасарруфига муҳрланди ва бу худудларни мустамлака асоратига солган салобатли ва шафқатсиз империя эди. Бу даврда Россия империясининг узоқ вақт давом этган ҳарбий тайёргарлиги натижасида босқинчилик урушлари олиб борилди. Европанинг илғор жамоатчилиги XIX аср охирида Россияни “беадад миқдордаги мулк ўғриси”, деб таърифлаб, “ҳисоб-китоб вақти келганда, у бу мулкларни ўз эгаларига қайтаришга мажбур бўлади” деб башорат қилган эди), буларнинг барчаси Россия тарихининг кейинги тараққиёт жараёнига ўзининг таъсирини сезиларли даражада кўрсатганлигини яққол кўришимиз мумкин.

**Мавзунинг ўрганилиш даражаси.** Биз ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб олган мавзу, яъни “XIX асрнинг иккинчи ярмида Россиянинг халқаро аҳволи ва ташқи сиёсати” мавзуга рус ва бошқа кўплаб тарихчилар томонидан ҳам жуда кўплаб мурожаат қилинганлиги маълум.<sup>9</sup> Кўплаб тарихчи-олимларнинг айнан шу давр тарихи билан шуғулланганлигини мен интернет тармоғидаги Россия тарихига доир сайтлардан билиб олдим ва

---

<sup>9</sup> Абдурахмонова Д, Рустамова Г. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида мустамлака ҳокимияти тизими. - Т., 1999., Гинзбург А. Русское население в Туркестане. - М., 1991., Головатенко А. История России: спорные проблемы. - М., 1993., Дружинин М.Н. Государственные крестьяне и реформа. - М., 1963., Ерошкин Н.П. Крепостническое самодержавие и его политические институты. - М., 1981., Зиёев Х. Ўзбек хонликлари Россия империяси томонидан босиб олинishi тарихига доир. - Т., 1990., Зияев Х. Средняя Азия и Сибирь XVI-XIX вв. - Т., 1962., История России. Под редакцией А.Н. Сахарова. - М., 2006., Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917) - Т., “Фан” 1997., Исхаков Ф. Центральная Азия и Россия в XVIII - нач. XX вв. - Т., “Ўздав матбуоти”, 2009., Карасев В.Г. Основные черты социально экономического развития Сербии в конце 60 х - начале 70х годов XIX века. - М.: 1952., Кастельская З. Из истории Туркестанского края. (1865-1917) - М. 1980., Мухаммаджонов А, Нетьматов Г. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига оид баъзи манбалар. - Т., “Фан”, 1957., Орлов А. Георгиев В, Георгиева Н, Сиховина История России - М., “Перспектив” 2001., Писарев Ю.А. Освободительная борьба народов Боснии и Герцоговины и Россия 1850-1864. Документы. - М.: 1985., Рожкова М. Экономические связи России со Средней Азией 40-60 годы XIX в. - М. 1963., Садиков А. Россия и Хива в конце XIX—начала XX века - Т., 1972., Социальная история России. Том II. Под общей редакцией В.И. Жукова. - М.: Изд. МГСУ 1998., Тарле Е.В. История XIX века. - М.: 1939., Тодоров Г.Д. Болгарская общественность и русско-Турецкая война 1877-1878 годов. - М.: 1958., Фомченко А. Русские поселения в Туркестанском крае. - Т., “Фан” 1983., Халфин Н. Политика России в Средней Азии (1857-1868) - М., 1960., Хидаятов Г. Из истории англо-русских отношений в Средней Азии в конце XIX в. (60-70 гг) - Т.: 1969., Шеремет В.И. Османская империя и Западная Европа во второй третий XIX века. - М.: 1986., Юлдошев М. К истории торговых и посольских связей Средней Азии с Россией в XVII-XIX вв. - Т., “Фан” 1964., Якунин А. Народы Средней Азии и Россия - М., 1954

битирув малакавий ишимни тайёрлаш жараёнида ўша сайтлардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилдим.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Ҳар бир инсон бирон бир ишга киришса, инсон ўша олиб борётган ишига нисбатан ўз олдига мақсад ва вазифалар қўйиб олади. Жумладан, мени Россия давлати тарихига қизиқишим туфайли Россиянинг XIX асрнинг иккинчи ярми даври тарихини ва ўша даврда давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳадаги олиб борган ишларини имкон қадар ўрганишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Асосий мақсаддан келиб чиқиб, мазкур ишда қуйидаги вазифалар асосий вазифалар тарзида белгилаб олинди:

- Россиянинг Ўрта Осиё ва Кавказда олиб борган мустамлакачилик сиёсати моҳиятини очиб бериш;
- Россиянинг Болқон ярим оролида олиб борган сиёсати, Россия-Туркия урушининг бошланиш сабаблари ва урушнинг натижаларини таҳлил қилиш;
- XIX аср иккинчи ярмида Россиянинг Европа давлатлари билан халқаро муносабатлар соҳасида олиб борган ишларини ёритиб бериш.

**Ишнинг хронологияси.** Битирув малакавий ишининг хронологик даври Россия давлати тарихидаги жуда қисқа муддат, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмидан иборатдир.

**Ишнинг илмий янгилиги.** Биз ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб олган мавзу, яъни “XIX асрнинг иккинчи ярмида Россиянинг халқаро аҳволи ва ташқи сиёсати” мавзуйига рус ва бошқа кўплаб тарихчилар томонидан ҳам жуда кўплаб мурожаат қилинганлиги маълум. Ушбу битирув малакавий ишимизни тайёрлаш жараёнида, биз кўпроқ манбаларга, хрестоматик асарларга ва Интернет сайтларидан олинган маълумотларга таянган ҳолда воқеа-ходисаларни қиёсий таҳлил асосида ёритишга ҳаракат қилдик. Шу даврга қадар эълон қилинган асарлар ва Интернетдан олинган маълумотлардан кенг фойдаланиб, XIX асрнинг иккинчи ярмидаги Россия,

аниқроқ айтадиган бўлсак, 1850-1900 йиллар давридаги Россия тарихида рўй берган ўзгаришларни далил-ҳужжатлар асосида ёритишга ҳаракат қилдик.

Турли тарихий манбалар ва адабиётларга таянган ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдиришга ҳаракат қилдик:

- Россиянинг Ўрта Осиё ва Кавказда олиб борган мустамлакачилик сиёсати таҳлил қилинди;
- Россиянинг Болқон ярим оролида олиб борган сиёсати тасниф қилинди;
- Россиянинг Узоқ Шарқдаги сиёсати таҳлил қилинди;
- XIX аср иккинчи ярмида Европа давлатлари ва Россиянинг дипломатик муносабатлари ва унинг натижалари таҳлил қилинди.

**Ишнинг амалий аҳамияти.** Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти шундаки, Россия тарихидаги бу қисқа давр тарихи, ундаги рўй берган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар, уларнинг сабаб ва моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш орқали тарих янги-янги маълумотлар олиб келади.

Битирув малакавий ишининг натижасига кўра, баён этилган фактик материаллар ва илмий хулосалардан Тарих факультети “Тарих” таълим йўналиши талабалари учун ўтиладиган “Жаҳон тарихи” ва “Россия тарихи” (махсус курс) ҳамда “Халқаро муносабатлар тарихи” фанларидан маъруза ва семинар машғулотида, талабаларнинг мустақил ва курс ишларини тайёрлашларида, тўғарак ишларини олиб боришда манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Битирув малакавий ишининг тузилиши.** Ушбу битирув малакавий иши ташкилий тузилиш жиҳатидан кириш, 3 бўлим ва 11 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Битирув малакавий ишининг умумий ҳажми электрон вариантда иловалардан ташқари 73 бетни ташкил этади. Шунингдек, мавзуга доир тақдимот ҳам тайёрланган.

# **1. XIX АСРНИНГ 60-70-ЙИЛЛАРИДА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ОЛИБ БОРГАН МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИ**

## **1.1. Ўрта Осиёнинг босиб олиниши. Кавказни босиб олишнинг тугалланиши**

Россия империясининг 60-70-йиллардаги ташқи сиёсати фақат Россия помещикларининг эмас, балки Россия буржуазиясининг ҳам манфаатларини ифодаларди, чунки дворян-помещик давлати тез ривожланиб бораётган капитализм шароитига мосланмоқда эди. Крепостниклик қолдиқлари туфайли анча секин ривожланаётган ички бозорнинг торлик қилишининг ҳиссасини чиқариш учун ташқи бозорларни кўлга киритиш зарур бўлиб қолди. Ташқи бозор шунинг учун зарурки, капиталистик ишлаб чиқариш - авваллари мавжуд бўлган ва жамоа, вотчина, қабила, бир территориал округ ёки бир давлат доирасидан нари чиқмайдиган ҳамма эски усулдаги ишлаб чиқаришларга қарама-қарши ўлароқ - ҳамиша чексиз кенгайишга ҳаракат қилади ва бу капиталистик ишлаб чиқаришга хос бир хусусиятдир.

Россиядаги капитализмнинг кенгайишга зўр бериб интилиши мамлакатнинг чекка ўлкаларида айниқса яққол кўринди ва бу чекка ўлкаларнинг мустамлакага айланрилиши рус тарихининг реформадан кейинги, капиталистик даврида жуда кучли суратда авж олди. Россия Европа қисмининг жануби ва жануби-шарқи, Кавказ, Ўрта Осиё, Сибирь рус капитализми учун худди мустамлакалар бўлиб хизмат қилди ва унинг ғоят чуқурлашиб боришигина эмас, балки кенгайиб боришини ҳам таъмин этдилар.

XIX асрнинг 60-70-йилларида Ўрта Осиё бозори Россия учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлди.

XIX асрнинг 30-40-йилларида Россиянинг Ўрта Осиёда бошланган хужум ҳаракатлари 60-70-йилларда алоҳида куч билан кенгайиб кетди.

Шимолдан жанубга - Орол денгизидан Помиргача ва ғарбдан-шарққа - Каспий денгизидан Тяньшань тоғларигача бўлган жуда катта территория Россия томонидан босиб олинди.

Ўрта Осиё рус капитализмининг мустамлакаларидан бири бўлиб қолди. Ўрта Осиё босиб олинишигачаёқ (XIX асрнинг биринчи ярмидаёқ) Россия саноати махсулотлари, айниқса крепостниклик давлатининг тор ички бозори доирасидан ташқари чиқиши муқаррар бўлган саноат тармоқларининг махсулотлари (ип-газлама, темир ва темирдан ясалган буюмлар, ҳар хил буёқлар, қанд, тамаки) сотиладиган муҳим бозор эди. Россиянинг Ўрта Осиёга чиқарган товарлари юз йил ичида (1758-1858 йилларда) 12 мартадан ортиқ кўпайди. 1861 йил реформасидан кейин Ўрта Осиёнинг товар сотиладиган бозор сифатидаги аҳамияти анча ошди. Биринчи ўн йилликда Россиядан Ўрта Осиёга ип-газламалар илгаригидан 5 марта кўп чиқарилди. Ўрта Осиё рус саноати учун хом ашё базаси сифатида ғоят катта аҳамиятга молик бўлди, рус саноати 1864 йилда Ўрта Осиёдан 2 миллион пудгача пахта олди. Бу нарса Америкада граждандар уруши бўлиб тургани сабабли у ердан пахта келтириш тўхтаб қолган 60- йилларда рус саноати учун айниқса муҳим эди.<sup>10</sup>

Ўрта Осиё Россиянинг қўшни мамлакатлар: Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой билан бўладиган савдо алоқалари йўли ҳам эди. Россиянинг Ўрта Осиёни истило қилиши мамлакат ичидаги деҳқонлар норозилигини камайтириш мақсади билан Ўрта Осиёга 1861 йил реформасида талон-торож қилинган деҳқонлардан бир қисмини кўчириш учун, ҳарбий ва граждандар амалдорларнинг эса зўр бериб бойлик орттиришлари ва мансабпарастлик фаолиятлари учун кенг йўл очиб берди. Россия учун Ўрта Осиёнинг стратегик мавқеи ҳам катта аҳамиятга эга эди, Англия мустамлакачилари Ўрта Осиёни босиб олишни мўлжалламоқда

---

<sup>10</sup> Абдурахмонова Д, Рустамова Г. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида мустамлака ҳокимияти тизими. - Т., 1999. – Б.89.

эдилар, Россия Англиянинг Яқин Шарқ ва Ўрта Шарқдаги колониал экспанциясига Ўрта Осиё территориясида туриб қарши ҳаракат қилиш мумкин эди.

Россия империяси Ўрта Осиёга кенг миқёсда ҳужум олиб борган пайтида Ўрта Осиё турли халқлардан (ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қорақалпоқлар, қирғизлар, қозоқлар ва бошқалардан) иборат аҳолига эга бўлиб, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан жуда орқада қолган эди. Ўрта Осиёдаги баъзи халқлар (туркманлар, қозоқлар, қирғизлар) патриархал-уруғчилик тузумидан феодал тузумига ўтиш босқичида бўлиб, уларнинг ўз давлати йўқ эди. Ўрта Осиёдаги феодал давлатларининг учтаси: Қўқон хонлиги, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ўз хусусияти билан ажралиб турарди. Аҳолисининг сони жиҳатидан учала давлат орасида Қўқон хонлиги энг катта эди - унда 3 миллиондан кўпроқ киши яшарди; Бухоро амирлигининг аҳолиси 2,5 миллион киши, Хива хонлигининг аҳолиси салкам 1 миллион киши эди. Булар типик феодал давлатлари эди. Бу давлатларда феодал муносабатлари қулдорлик билан қўшилиб кетган эди. Хонликлар майда қисмларга бўлинган эди, шунинг учун феодаллар ўртасида доим ўзаро урушлар бўлиб турар эди. Феодалларнинг ўзаро уруш-жанжаллари ва, бир томондан, хон бошлиқ ҳукмрон бек ва бойлар тўдаси билан, иккинчи томондан эса, шафқатсиз эксплуатация, ваҳшиёна зулм ва йиртқичликдан азоб чекаётган меҳнаткашлар оммаси (чоракорлар, мардикорлар) ҳамда шаҳар камбағаллари ўртасидаги синфий зиддиятлар бу давлатларда ғоят нотинч ва беқарор вазият вужудга келтирарди. Ўзаро урушлар, тобора кўпайган солиқлар ва хон маъмурларининг жабр-зулми Ўрта Осиё халқлари елкасида оғир юк бўлиб ётар эди. Урушлар қишлоқ хўжалигининг негизи бўлган суғориш системасини бутунлай вайрон қилган эди.

Табиийки, Ўрта Осиёнинг шу аҳволга тушиб қолган феодал давлатлари, айникса кўчманчи халқлари осонгина истило қилинадиган объектга айлана бошлаган эди.

Ҳиндистонда мустамлакачилик ҳукмронлигини маҳкам ўрнатган ва Форс қўлтиғини - бу “инглиз кўли”ни эгаллаб олган Англия Ўрта Осиёга тажовузкорона суқилиб кира бошлади.<sup>11</sup> Англия ўз агентларини Ўрта Осиёга илмий экспедициялар, савдо вакиллари, саёҳатчилар ниқоби остида юборар эди. Инглизлар Афғонистонни ва Амударёнинг юқори оқимини эгаллаб олганларидан кейин 40-йиллардан бошлаб уларнинг Ўрта Осиёга суқилиб кириши кучайди. 50-йилларда инглиз капиталистлари афғон амиридан Қўқон ва Хива хонларини ўз томонларига тортиш учун воситачи сифатида фойдаланиб, хонликлар билан Россия ўртасидаги иктисодий алоқаларга путур етказиш мақсадида Ўрта Осиё хонликларини Россияга қарши бирлаштиришга уриндилар. Лекин бу уриниш амалга ошмади. Инглизлардан пул субсидиялари, керакли миқдорда қурол-аслаҳа олган афғон амирининг Бухорога қарши урушда муваффақият қозониш учун 1860-1862 йилларда килган уринишлари ҳам ўнгидан келмади. Англия мустамлакачилари ўзларининг ҳужум ҳаракатларини Ҳиндистонни гўё руслар томонидан бўладиган хавф-хатардан сақлаш керак, деган гаплар билан ниқобладилар. Россиянинг чегаралари Ҳиндистондан узоқлиги сабабли унинг томонидан бу мамлакатга ҳақиқатда ҳеч қандай хавф йўқ эди ва бўлиши мумкин ҳам эмасди.

Россиянинг кўпдан буён Ўрта Осиё давлатлари билан олиб борган савдо алоқалари, шунингдек, Ўрта Осиё халқларига Россиянинг тобора кучаяётган сиёсий ва маданий таъсири Россия империясининг бу территорияни босиб олиши учун қулай шароит яратди. Россия илгарирок Қозоғистонни босиб олган, Кавказни истило қилиб бўлган эди. Россиянинг Каспий деиғизидан шимолга ва сўнгра шарққа - Сибирга томон чўзилган чегаралари Ўрта Осиёни кенг ярим халқа шаклида ўраб олган эди. Шимол томонда Оқмачитдан Сирдарё бўйлаб ҳарбий истехкомлар катори бор эди; шарқ томонда Семипалатинскдан Верний (ҳозирги Олмаота) шахригача

---

<sup>11</sup> История России. Под редакцией А.Н. Сахарова. - М., 2006. – С.67.



бошқа (Сибирь) ҳарбий истехкомлари қатори ўғар эди. Шундай қилиб, рус кўшинлари хужум бошлаш учун ғоят қулай позицияларни эгаллаб турарди.

Рус кўшинлари шарқ томонда Верний шахридан (Черняев отряди) ва шимолда Перовскдан (Верёвкин отряди) юриш бошлаб, 1864 йилда Қўқон хонлиги территориясига бостириб кирдилар. Улар жуда тез вақт ичида Туркистон, Чимкент шаҳарларини ишғол қилдилар. 1865 йилда Ўрта Осиёнинг 100 минг кишилиқ аҳолиси бўлган энг катта савдо ва хунармандчилик-саноат шаҳри Тошкентни олдилар.

1868 йил январида Қўқон хони билан савдо шартномаси тузилди, бу шартнома Россия учун фойдали эди, ўша йилнинг февраль ойида Худоёрхон ўзини рус императорининг вассали деб тан олди.

Қўқон феодаллари Россия империяси кўшинларининг хомийлигидан фойдаланиб, деҳқонларни эзишни ва эксплуатация қилишни кучайтирдилар.

Рус география жамиятининг топшириғи билан Қўқон хонлигида бўлган А. Меддендорф, “ҳаддан ташқари очкўз” Худоёр ҳукмронлиги даврида солиқлар оғирлиги энг юқори даражага етди, - деб ёзганди.<sup>12</sup>

Худоёрхон халқни шипшидам қилиб талар эди, камбағал ўтинчиларга улар ҳар жойдан териб юрган қамиш, шоҳ-шабба ва хатто янтоқ учун ҳам солиқ солар эди. Шу халқнинг ўзи ўз қўл кучи билан қазиган канал ва анхорлар сувидан фойдаланиш учун солиқ (сув пули) тўлашга мажбур эди. Бундай эксплуатация натижасида, тожик шоири С. Айний айтганидек, “меҳнаткаш аҳоли оч-яланғоч ва қуп-қуруқ суяк бўлиб қолар эди”. Худоёрхон солиқ тўламаган кишиларнинг болаларини тортиб олиб, қул бозорига элтиб сотиб юборишни буюрарди.

Хон ва бойлар деҳқонларни текинга жуда кўп ишларни бажаришга: суғориш системасини ремонт қилишга, янги кўприклар, саройлар, масжидлар, каналлар, йўллар қуришга, ариқ ҳамда зовурлар қазилар ва бошқа шунинг каби ишларни қилишга мажбур этар эдилар.

---

<sup>12</sup> Гинзбург А. Русское население в Туркестане. - М., 1991.- С.125.

Ўзбек, қозок, қирғиз ва тожик халқ оммалари норозилик билдириб, қонли мустабид ҳокимиятга ва вахшиёна феодал зулмига қарши кураш олиб борардилар.

1873 йилда Қўқонда Худоёрхонга ва феодалларга қарши қўзғолон бошланди. Феодалларга қарши кўтарилган исённинг миқёсидан ва унинг янада кенганиб кетиш хавфидан қўрқиб, Россия империяси феодалларга халқ қўзғолонини бостиришда ёрдам берди.

Қўзғолончилар подшо қўшинларига қарши кураш олиб бордилар, феодалларга қарши кўтарилган бу қўзғолон шу залда мустамлакачиларга қарши миллий озодлик уруши тусини олди.

Хон аскарлари халқ томонига ўта бошладилар. Худди шу пайтда бир гуруҳ Қўқон феодаллари - Абдурахмон офтобачи бошлиқ беклар инглиз мустамлакачилари билан алоқа боғлаб ва қўзғолондан ўз синфий мақсадлари йўлида фойдаланишга уриниб, қўзғолончиларга қўшилдилар. Улар аҳолини “кофирлар”га қарши “ғазовот”га – “муқаддас уруш” қилишга даъват эта бошладилар. Аммо “ғазовот” учун қилинган чақириқ халқ оммаси томонидан кенг равишда қувватланмади.

Халқ ўртасида яхши ном чиқарган, обрў-эътибор қозонган Пўлатхон меҳнаткашлар оммасининг йўлбошчиси бўлиб қолди. Пўлатхон Худоёрхонга ва феодалларга қарши қаттиқ кураш олиб борди: у хон сулоласининг аъзоларини, хоннинг катта амалдорларини, катта бойлар, дунёвий ва руҳоний феодалларни қириб ташлай бошлади. Пўлатхоннинг ўзи халқнинг арз-додини тинглар, солиқ дафтарларини кўздан кечирар ва халққа анча оғирлик қиладиган солиқларни бекор қилар эди. Пўлатхон оғир солиқларни йўқ қилгани ва хонга ҳамда феодалларга қарши мардона кураш олиб боргани учун халқ ўртасида машҳур бўлди.

Лекин қўзғолон бостирилди. 1875 йил октябрида Пўлатхон қўшини Андижон шаҳри яқинида тор-мор қилинди. Халқ қўзғолони бостирилгандан кейин Қўқон хонлиги тугатилди ва Фарғона области номи билан Туркистон

генерал-губернаторлиги составига киритилди, Туркистон генерал-губернаторлиги Россия империяси босиб олган территориялардаи ташкил этилган эди.

Подшо ҳукумати Бухоро амирининг Тошкент учун бўлган курашга аралашувидан фойдаланиб, ўз қўшинларини Бухорога қарши юборди. 1866 йилда Хўжанд, Ўратепа, Жиззах шаҳарлари - иқтисодий ва стратегик жиҳатдан муҳим аҳамияти бўлган пунктлар ишғол қилинди. Бухоро амири мусулмон рухонийларининг бошлиғи сифатида “ғазовот” эълон қилиб, “Хива, Қўқон, Афғонистонниинг “мўмин мусулмонлари”ни русларга қарши “муқаддас уруш”да иштирок этишга чақирди.

Рус қўшинлари Туркистон генерал-губернатори Кауфман қўмондонлиги остида 1868 йил май ойида Самарқандни олдилар ва амирнинг асосий кучлариини тор-мор қилиб, унинг пойтахтига - Бухоро шаҳрига яқинлашдилар.

Бухоро амири урушишни тўхтатиб, подшо ҳукумати билан шартнома тузди, бу шартномага биноан Бухоро амирлиги Россияга вассал карамликдаги давлат бўлиб қолди; рус савдогарларига амирлик территориясида эркин ва имтиёзли савдо ҳуқуқи берилди. Бухоро подшо маъмурларига катта контрибуция (товон) тўлади.

Бухоро истило қилинганидан кейин Ўрта Осиёдаги учинчи феодал давлатга - Хивага навбат келди. 1873 йил майида хонликнинг пойтахти Хива шаҳрини рус қўшинлари бир неча томондан қуршаб олдилар. Хива таслим бўлди. Хива хони ўзини Россиянинг вассали деб эътироф қилди. Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерлар Россияга ўтди, чап соҳилида эса руслар пристань ва факториялар қуриш, рус савдогарлари Хивада пошлина тўламай савдо-сотик қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар, Хива ниҳоятда ката контрибуция тўлади.<sup>13</sup>

Подшо қўшинларининг 70-йиллар охирида Туркменистонда жанговар

---

<sup>13</sup> Гинзбург А. Русское население в Туркестане. - М., 1991.- С.151.

кўчманчи қабилаларга қарши бошлаган уруш ҳаракатлари туркманларнинг қаттиқ қаршилиқ кўрсатганликлари ва одам яшамайдиган жуда катта территорияни эгаллаш зарурлиги сабабли зўр қийинчиликларга дуч келди. Фақат 1881 йил бошидагина подшо кўшинлари Кўктепа қалъасини эгаллаб ва Ашхобод шаҳрини ишғол қилиб, туркманларни узил-кесил енгдилар.

Подшо ҳукумати Ўрта Осиёда уруш ҳаракатларини кучайтириш билан бир вақтда Англияга қарши актив дипломатик кураш олиб боришга мажбур бўлди, чунки Англия русларнинг Ўрта Осиёдаги олға силжишини суқланиб кузатиб турар ва унга ҳар қандай йўл билан қаршилиқ қилишга уринар эди. Хивага нисбатан ўз билганича иш тутиш имкониятига эга бўлмоқ учун Россия 1873 йили Англия билан шартнома тузиб, Афғонистонни Англиянинг таъсир доираси деб эътироф қилди. Рус кўшинларининг Туркменистонга қилган юриши вақтида Англия ифвогарлик қилиб, Афғонистоннинг Россияга қарши куролли чиқишларини уюштирди, шундан кейин Англия билан Россия ўртасидаги муносабатлар шу қадар кескинлашиб кетдики, европадагилар иккала давлат бир-бири билан куролли тўқнашишга бориб қолса керак, деб кута бошладилар. Россиянинг Ўрта Осиёдаги ерлари чегараси масаласини Англия билан узил-кесил ҳал қилишга фақат 80-йиллар ўртасидагина муваффақ бўлинди.<sup>14</sup>

Ўрта Осиёни босиб олиш 1885 йилда тамом бўлди, унинг территориялари Туркистон генерал-губернаторлиги составига киритилди. Чегаралари анча торайган Бухоро ва Хива хонликлари мустақилликни номигагина сақлаб қолдилар, уларнинг “шоҳи-жаҳон”лари амалда ўша Туркистон генерал-губернаторлигига итоат қилар эди. Ўрта Осиёдаги ҳарбий-бюрократик идора усули узоқ йиллар давом этди. Россия империяси унга таяниб, бўйсундирилган халқларни қаттиқ жабр-зулм остида тутди ва уларни талашнинг ҳарбий-феодал системасини амалга оширди. Ўлка бошлиғи лавозимини ва генерал-губернаторликнинг область ҳарбий

---

<sup>14</sup> Головатенко А. История России: спорные проблемы. - М., 1993. - С.96-97.

губернаторлари лавозимини эгаллаб турган подшо генераллари маҳаллий аҳоли устидан чексиз ҳукмронлик қилар эди. Подшо амалдорлари - (Салтиков-Шchedрин ибораси билан айтганда), “жаноби тошкентликлар” ҳарбий-маъмурий аппаратга жойлашиб олиб, ўзбекларни, тожикларни, туркманларни ва ўлканинг бошқа халқларини эздилар, уларни оч бўрилардай таладилар. Бундай бошқаришнинг бутун оғирлиги халқ оммасининг елкасига тушарди. Феодал юқори табақа - маҳаллий бойлардан тортиб то Хива ва Бухоро хонигача ҳаммаси - Россия империяси томонидан қўллаб-қувватланар ва Россия империясининг сиёсий таянчи эди. Подшо маъмурлари (қишлоқ ва овуллардаги) қуйи идора органларига бадавлат кишилар ва судхўрларни жалб қилишга интилдилар. Россия империяси осонлик билан ҳукмронлик қилиш учун бутун ўлкани маъмурий районларга бўлди. Ўрта Осиё халқлари миллий тарқоқликка дучор қилинган эди. Подшо ҳукумати Ўрта Осиёга рус аҳолиси орасидаги “ишончли” элементларни - казакларни кўчириб ўрнаштириш чораларини ҳам кўрди. Кўчириб келинганларга маҳаллий аҳолининг энг яхши, хосилдор ерлари тортиб олиб берилди ва уларни ҳукумат турли қулайликлар ва имтиёзлар билан таъминлади. Ўрта Осиё халқлари оғир жабр-зулмга қарши кўп мартаба кўзғолон кўтардилар, Россия империяси бу кўзғолонларни шафқатсиз суратда бостирди.

Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинishi маълум бир маънода, биров бўлсада, прогрессив аҳамиятга ҳам эга бўлди. Феодал тузумнинг Ўрта Осиёда ҳукм сурган баъзи бир мудҳиш кўринишлари йўқолди. Масалан, халқни хонавайрон қилган ўзаро урушлар тўхтади, кулдорлик йўқ қилинди, Ўрта Осиёнинг кўчманчи халқлари (туркманлар, қорақалпоқлар)даги патриархал-уруғчилик турмушининг емирилиш процесси кучайди. Рус капитализми Ўрта Осиёга тез суръатлар билан кириб келар эди. Рус фабрикалариинг моллари янги бозорларга кўплаб кела бошлади; Ўрта Осиё хом ашёсини (ипак, қорақўл тери, пахта ва бошқаларни) Россияга чиқариш ҳам тез кўпайиб борди. 70-йиллар охирида Ўрта Осиёни

Марказий Россия билан бирлаштирган темир йўлларнинг қурила бошлаши Ўрта Осиёнинг Россия билан бирга жаҳон товар оборотига жалб этилишига анча ёрдам берди.

Ўрта Осиёнинг хўжалик укладида капиталистик элементлар пайдо бўлиши натижасида ўлкадаги рус аҳолиси ўртасида ҳам, маҳаллий миллатлар ўртасида ҳам (темир йўлларда, капиталистик корхоналарда) ишчилар синфининг дастлабки группалари, шунингдек, маҳаллий интеллигенциянинг дастлабки намояндалари вужудга келди. Россиядан юборилган илмий экспедициялар томонидан ўлкада олиб борилган тадқиқотлар орасида кўпгина табиий бойликлар (нефть, тошкўмир, турли рангдор металл конлари) топилди. Бир қанча экспедицияларга атоқли рус олим-сайёҳлари: Семёнов-Тяншанский, Потанин, Пржевальский, геолог Мушкетов, зоолог Северцов, ботаник Леман ва бошқалар раҳбарлик қилдилар.<sup>15</sup>

Маҳаллий аҳоли руслар билан яқинроқ алоқа боғлашга киришганлиги натижасида унга рус маданиятининг таъсири кучайди. 70-йилларда Ўрта Осиёга сургун қилинган руслар ўлкада Чернишевский ва Добролюбовнинг озодлик тўғрисидаги ғояларининг тарқалишига ёрдам бердилар. Маҳаллий зиёлилар ўртасидаги илғор фикр намояндалари ўз асарларида бу таъсирни акс эттирдилар. Қозоқ маърифатпарвари Абай Қўнонбоев, ўзбек шоирлари Муқимий ва Фурқат ана шундай намояндалардан эди. Фурқат Россиянинг таъсирини бундай таърифлаган эди: “Бу ҳикмат Русиянинг давлатидин, бўлибдир илмниинг хосиятидин».

Русларнинг маданий таъсири маҳаллий аҳолининг хўжалик укладида ҳам акс этди. Ўрта Осиёга янги қишлоқ хўжалик техникаси, деҳқончиликнинг янги усуллари, янги меҳнат малакалари кириб кела бошлади. Кўчириб келинганлар билан кўшниликда яшовчи кўчманчи халқлар ўз турмушлари ва хўжалик юритишларида руслардан кўп нарсани

---

<sup>15</sup> Абдурахмонова Д, Рустамова Г. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида мустамлака ҳокимияти тизими. - Т., 1999. – Б.101.

ўргандилар ва қисман ўтроқ ҳолда яшашга ўтдилар.

Ўрта Осиё босиб олинишидан анча илгари Кавказ тамоман босиб олинган эди. Тоғликлар рус қўшинларига қарши қуролли курашни тўхтатиб, Россия қўли остига ўта бошлаган эдилар. Шомил 1859 йилда асир қилинган эди. Аммо Шомилнинг ҳаммаслақдоши бўлмиш Муҳаммад Аминга Туркия ва Англия агентлари биргалашиб ёрдам бериб турган Ғарбий Кавказда уруш 1864 йилгача давом этди. Подшо ҳукумати Кавказни Ғарбий Кавказнинг тоғли жанговар қабилаларидан хавфсизлантиришга интилиб, уларни зўрлик билан Кубанга кўчира бошлади. Бироқ тоғликлар жамиятининг феодал юқори табақаси тарғибот ва ташвиқот билан тоғликларни йўлдан қайтариши натижасида тоғликлар ўз “диндошлари” бўлган Туркияга оммавий равишда кўчиб кета бошладилар. Ғарбий Кавказнинг 400 мингдан ортиқ туб жойли аҳолиси бегона мамлакатга кўчиб кетди. Туркия амалдорлари эса кўчиб борганларга ҳеч қандай ёрдам бермади. Тоғликларнинг кўпчилиги мусофирликда оч-яланғоч қолиб ва турли касалликларга дучор бўлиб ўлиб кетдилар. Тоғликларнинг бир қисми яна ўз юртига - Кавказга қайтиб келди. Ғарбий Кавказ узоқ вақт одамсиз хувиллаб қолди. Подшо ҳукумати тоғликлар ташлаб кетган ерларга Россиядан кўчириб келинган кишиларни жойлаштира бошлади.

Кавказ ҳам, Ўрта Осиё сингари, империянинг “чекка” мустамлака ўлкаси сифатида Россиянинг капиталистик системасига қўшилди. У рус саноати учун хом ашё манбаи ва шу саноатнинг маҳсулоти сотиладиган база бўлиб қолди. Кавказда темир йўл тармоқлари ривожлана бошлади: 1871 йилда Тифлистан Потигача, 1878 йилда - империя составига эндигина босиб олинган Батумигача, 1875 йилда эса Ростов-Дондан Владикавказгача темир йўл қурилди. Махаллий саноат, гарчи секин бўлса ҳам, йил сайин ривожлана бошлади. Боқуда нефть қазиб чиқариш тез кўпайди. Ишчилар синфи вужудга кела бошлади.

Россия империясининг Кавказ халқларини миллий-колониал зулмга

гирифтор қилганлигини айтиш билан бирга шуни таъкидлаб ўтмоғимиз керакки, Кавказ халқларининг рус халқи билан – Кавказда яшаб ва ишлаб турган рус ишчилари билан, рус зиёлиларининг Кавказга ихтиёрий ёки ғайри ихтиёрий суратда бориб қолган илғор намояндалари билан, Россия империясининг турли ерларидаги дехқонларнинг Кавказга кўчиб борган меҳнаткаш табақалари билан яқин алоқада бўлиши ижобий натижалар ҳам берди.

## **1.2. Россиянинг Тинч океандаги мулклари. Россия империясининг Узоқ Шарқдаги сиёсати**

Айгун ҳамда Пекин шартномаларига мувофиқ Узоқ Шарқда Россия ва Хитойга қарашли ёнма-ён территориялар чегаралангандан кейин Россия империясининг Хитойга нисбатан тутган сиёсати илгаригидай сақланиб қолди, яъни Хитой билан бирмунча фойдали иқтисодий алоқаларни тиклаш мақсадида бу муносабатлар тинч йўл билан олиб борилди. Бу сиёсат, шунингдек, Россия манфаатларига ҳалал берувчи Англия ва бошқа давлатларнинг Хитойдаги экспансив сиёсатларига акс таъсир кўрсатди.

Россиянинг Япония билан бўлган ўзаро муносабатларида ҳамма нарса кўнгилдагидек эмас эди. Сахалин масаласидаги Симод шартномаси Россия учун фойдасиз оқибатларга эга эди. Орол устидан “бўлмай” эгалик қилишда Сахалинда руслар ва японлар ўрнашган жойлар ўртасида ҳеч қандай чегара белгиланмаган эди. Қрим уруши муносабати билан вужудга келган шароитдан фойдаланиб японлар ҳам шимол томон силжиб ва, биринчи навбатда, айнлар яшайдиган барча районларни босиб олиб, оролнинг жанубий қисмини тезлик билан эгаллай бошлайдилар.

1867 йил мартада орол устидан умумий ҳукмронлик қилиш тартиблари ҳақида Россия билан Япония ўртасида битим имзоланди. Бу битимга мувофиқ Япония ўзининг географик ўрнидан фойдаланиб, Сахалинни ўзлаштириш учун Россиядан кўра кўпроқ имкониятларга эга



бўлди.

XIX аср 70-йилларининг бошларида Сахалин ҳамда Курил ороллари масаласида рус-япон муносабатлари кескинлашди. АҚШ томонидан гиж-гижлатилган япон ҳукумати Россияга нисбатан Сахалин ва Курил масалаларидаги талабларида алоҳида активлик кўрсатди. Узоқ Шарқда ўзининг стратегик позицияларини кучайтириш имкониятларига эга бўлмаган Россия империяси АҚШнинг сурликларига ён бериш орқали Япония талабларини чекламоқчи ҳамда пишиб етилган конфликтни дипломатик йўл билан бартараф қилмоқчи бўлади: америкаликларга Командор ороллари ва Тюлень оролидаги денгиз мушуги мўйнаси билан шуғулланувчи корхоналарни ижарага топширади, японларга эса 1875 йил 25 апрель шартномасига мувофиқ уларга ҳеч қачон қарашли бўлмаган Сахалиннинг жанубий қисмларига даъвогарлик қилишдан воз кечиш эвазига азалдан Россияга қарашли бўлган Курил ороллари топширилди.<sup>16</sup>

XIX асрнинг деярли бутун биринчи ярмида Россиянинг Тинч океандаги мулклари билан бўлган иқтисодий алоқаларининг заифлиги, унинг Узоқ Шарқдаги чегараларининг ҳарбий жиҳатдан мададсизлиги, шунингдек, рус дипломатиясининг Тинч океан қирғоқларидаги Россиянинг иқтисодий ва сиёсий манфаатларини ҳимоя қилишдаги кўзга ташланган пассивлиги Осиёнинг шимоли-шарқидаги ҳамда Американинг шимоли-ғарбидаги рус мулкларига инглиз ва асосан Америка савдогарлари ҳамда саноатчиларининг иқтисодий жиҳатдан кенг суръатда бостириб киришларига олиб келди. XIX асрнинг ўргаларида денгиз ҳамда денгиз қирғоқларида мавжуд бўлган рус мулкларининг асосий бойлиги - мўйнали ҳайвон, денгиз жониворлари хорижий саноатчилар томонидан шафқатсиз қирғинга дучор қилинди.

1861-1865 йилларда АҚШдаги граждaнлар уруши даврида Америкадан Сибирга халқаро телеграф линиясини қуриш лойиҳаси юзага келади. АҚШ Россияга ўзининг лойиҳасини таклиф қилиш билан бутун

---

<sup>16</sup> Головатенко А. История России: спорные проблемы. - М., 1993. - С.158.

телеграф линияси давомида Аляскадан тортиб юқори Амурга қадар бўлган рус ерларни тортиб олишга ҳамда Сибирга сургун қилинганлар ва каторгачиларнинг текин ишчи кучини қўлга киритишга эришмоқчи бўлади. Русь ҳукумати АҚШнинг телеграф қуриш таклифини асосан маъқуллагани ҳолда амалда ўзи учун ноқулай бўлган шартларни рад этди (ерларни мусодара қилиш, сургун қилинганларнинг текин ишчи кучи ва бошқалар). Дастлаб қўйган иқтисодий ҳамда сиёсий мақсадларига эриша олмаган АҚШ 1866 йилда ўзининг лойиҳасидан воз кечди ва телеграф ўтказиш бўйича қилинажак ишларни тўхтатиб қўйди.<sup>17</sup>

Сибирнинг ичкарасига Америка капиталининг кириб келиши тўхтаб қолди, бироқ АҚШнинг Чукотка-Анадирь ва Охотск-Камчатск ўлкаларидаги иқтисодий экспанцияси давом этди.

Россия империясининг Узоқ Шарқдаги заифлигидан, шунингдек, XIX асрнинг 60-йилларда АҚШ учун қулай халқаро шарт-шароитнинг юзага келишидан фойдаланиб, АҚШ Америкадаги рус мулкларига кескин ҳужум бошлади. Тинч океанининг шимолини эгаллаш учун қулай майдон сифатида Америка капиталистларининг диққатини Аляска ўзига жалб қилди. Алеут ороллари эса Осиёга олиб борувчи кўприк эди.

Дастлаб 5 млн. доллар эвазига АҚШ Аляскани Россиядан сотиб олиш учун биринчи марта 1859 йилда уриниб кўрган эди. Бироқ умумсиёсий аҳволнинг ноаниқлиги туфайли келишув юз бермаган эди. 1867 йилда АҚШ Аляска ҳамда Америкадаги бошқа рус территорияларини сотиб олиш ҳақидаги музокораларни янгидан бошлади. Россия империяси ҳукумати келгусида АҚШ тимсолида Англияга қарши иттифоқчига эга бўлиш имкониятини, ўзининг Тинч океан шимолидаги позицияларининг заифлигини, шунингдек, чуқур иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечираётганлигини ҳисобга олиб АҚШнинг таклифини қабул қилди.

Россия учун ўта фойдасиз бўлган Алясканинг сотилиши ҳақидаги

---

<sup>17</sup> История России. Под редакцией А.Н. Сахарова. - М., 2006. – С.95.

шартнома 1867 йил 18 мартда Александр II томонидан имзоланди. Бу даврда Америкадаги рус мулкларининг майдони 1,5 млн. кв. км. га тенг келарди. Барча ерлар учун АҚШ Россияга 7200 минг доллар (тахминан 1 кв. км. учуне 5 долларга яқин) тўлади.<sup>18</sup>

---

<sup>18</sup> Орлов А. Георгиев В, Георгиева Н, Сиховина История России - М., “Проспект” 2001.- С.457.

## **2. ЕВРОПАДАГИ ХАЛҚАРО ВАЗИЯТ ВА УНИНГ РОССИЯГА ТАЪСИРИ**

### **2.1. Россия ва Қрим урушидан кейин Европадаги ташқи сиёсий воқеалар.**

Рус ташқи сиёсатининг Европадаги бош вазифаси Россия учун Қора денгиз бўғозлари масаласини мақбул ҳал этиш имкониятидан маҳрум этибгина қолмай, балки унинг жануби(Кавказ, Қрим, Украина)ни ҳам катта хавф остида қолдирган Париж сулҳининг оғир оқибатлариини бартараф қилишдан иборат эди. Бу вазифани Қрим мағлубиятидан кейин энди ҳарбий йўл билан ҳал этиш мумкин эмас эди. Болқон ярим оролида Россиянинг обрўсини фақат дипломатик тиришқоқлик билан тиклаш мумкин эди, холос. Бу ниятни амалга ошириш учун Европадаги йирик давлатлар ўртасидаги низолардан фойдаланган ҳолда иттифоқчи топиш зарур эди. Рус дипломатиясининг бундай қийин вазифасини ҳал этишга ўша даврда юзага келган Ғарбий Европадаги ташқи сиёсий вазиятни яхши билган ҳамда етарлича кенг сиёсий дунёқарашга эга бўлган шахс - янги ташқи ишлар министри А. М. Горчаков бел боғлади.

Дастлаб рус дипломатияси Франция тимсолида Европадаги кучли иттифоқчини топишга уринди. Париж конгресси пайтидаёқ Россиянинг Қрим урушидаги асосий душманлари - Франция ва Англиянинг ташқи сиёсий ниятлари бир-бирига у қадар мос тушмаслиги ойдинлашиб қолди ва бу ҳол рус дипломатиясига Англиянинг узокни кўзловчи кўпгина талабларини четга суриш имкониятини берди. Қрим урушидан сўнг Европадаги халқаро аҳвол Россиянинг Франция билан яқинлашиши учун қулай бўлиб қолди. Наполеон III нинг янги босқинчилик сиёсати Австриянинг Италиядаги мулкларини босиб олиш мақсадида Австрияга қаратилган эди. Россия билан ҳамжиҳат алоқа Наполеон III га бу режаларни амалга оширишни осонлаштирар эди. Чунки Қрим уруши вақтида Австриянинг Россияга қарши амалга оширган душманлик сиёсати, шунингдек, Австрия ўз таъсирини кучайтиришга

интилаётган Болқондаги вазият Россиянинг душманлари сафига қўшмай қолмас эди.

Франция билан бошланган яқинлашишнинг аломати Александр II нинг тож кийиш маросимида подшога фавқулодда эҳтиром кўрсатган ва хатто рус бекасига уйланиб, петербурглик оқсуяклар билан қариндошлик муносабатини ўрнатиб олган герцог де Морна бошчилигидаги катта француз делегациясининг келиши бўлди. 1887 йил сентябрда Штутгартда иккала императорнинг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда ўзаро битим имзоланди ва бу битимга мувофиқ Россия Францияга Италияда эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқини, Франция эса Россияга Болқондаги ишларида кўмаклашишига ваъда берди.<sup>19</sup>

Рус дипломатияси Франция билан яқинлашишдан ўзининг Болқондаги таъсирини кучайтириш учун фойдаланди. Франция билан ҳамкорликда у Дунай князликлари Молдавия ва Валахиянинг умумдавлат идораси сафидан жой олган бирлашишини тайёрлашга эришди. Россия ва Франция Сербия ҳамда Черногорияни уларнинг Туркияга қарши курашида қўллаб-қувватлади.

Савойа ҳамда Ниццананинг Францияга қўшиб олинишига эришгач, Наполеон III Болқон масаласида Россия билан алоқасини узади. Наполеон III Англия ва Австрия билан биргаликда поляклар фойдасига дипломатик демарш қўллаган. 1863 йилги Польша кўзғолони даврида эса Россиянинг Франция билан муносабати ошқора ёмонлашди. Бисмарк бошчилик қилган сиёсатга эга бўлган Пруссия 1863 йилдаги Польша кўзғолони вақтида подшоҳ қўшинларига Пруссия территориясида поляк исёнчиларини таъқиб этишга эрк: бериб, Россия империяси ҳукуматига “олижаноблик” ёрдами кўрсатди. Германияни бирлаштириш учун кураш Пруссия ва Австрияни тўқнаштирган бир пайтда, рус дипломатияси Париж шартномасини қайтадан кўриб чиқиш масаласини олдинга суриб, Пруссиядан фойдаланишни мақсад қилиб қўяди. Россиянинг дипломатик ёрдамида Пруссия Данияга (1864 й.) ва

---

<sup>19</sup> Головатенко А. История России: спорные проблемы. - М., 1993. - С.189.

Австрияга қарши (1866 й.) олиб борган урушларда ғалаба қозонади. Бунинг эвазига Бисмарк Париж битимида Россияни танг аҳволга солиб қўйган шартларни қайта кўриб чиқиш учун Пруссиянинг эътирози йўқ эканлигига Горчаковни ишонтиради.

60-йилларнинг охирларига келиб Европада Пруссиянинг Франция билан тўқнашуви етилиб қолган эди. Бисмарк (“темир ва қон билан”) барпо қилишга интилаётган герман давлатларининг бирлашиши Франция учун ноқулай эди. Бирлашган Германия Франциянинг Ғарбий Европадаги сиёсий гегемонлиги учун хавфга айланар эди. Наполеон III ва Бисмарк урушга тайёрланмоқда эди. Наполеон III 1866 йилда Пруссиядан мағлубиятга учраган Австриянинг мададига умид боғлади. Бисмарк Россия империясига ишонди. Бисмарк Россияга Болқонда кўмак беришга ваъда берди. Ўз навбатида Александр II Австрия-Венгрияни Пруссияга орқа томондан хужум қилишдан сақлаб туришга рози бўлади.

1870 йилда Пруссия ҳамда Франция ўртасида уруш бошланади. Австрия Францияга хайрихоҳ бўлса-да, бироқ Россиядан кўрқиб бетараф бўлиб қолди.

Бисмарк Россия учун энг муҳим масалада - Қора денгизда Россиянинг ҳарбий флотга эга бўлишини тақиқловчи Париж битими шартларининг бекор қилинишида тўла кўмак беражаги ҳақидаги ваъдасини яна қайтадан таъкидлади.

Франциянинг мағлубияти туфайли Европада вужудга келган шароитни ҳисобга олиб ҳамда Бисмаркнинг ваъдасига таяниб, 1870 йил октябрда Горчаков Европа давлатларига циркуляр мактуб юборди. Унда Париж битими бошқа давлатлар томонидан бузилаётганлиги сабабли Россиянинг бундан буён ўз ҳуқуқларини чеклаб қўювчи бу битим шартларини тан олмаслиги кўрсатилди.

Россиянинг Париж битими шартларини бажаришдан бир томонлама бош тортаётганлиги Европада, айниқса, Англия ва Австрияда қаттиқ

норозилик келтириб чиқарди. Конференция чақириш масаласи қўйилди. Бисмарк Англия ҳукуматига, гарчи Россия талабларининг баён этиш шаклини гўё кувватламаса-да, бироқ ўз талабларида Россиянинг ҳақ эканлигини билдирди. 1871 йил январда Лондонда йиғилган конференция Париж битимининг юқорида кўрсатилган моддаларини бекор қилиш ҳақидаги Россиянинг талабларини тасдиқлашга мажбур бўлди. Шундан қилиб, Россия империяси йирик дипломатик ғалабага эришди.

1870-1871 йиллардаги француз-прусс урушидан кейин вужудга келган Герман империяси билан Россия ўртасида бошланган яқинлашиш кейинги йилларда ҳам давом этди. Бу яқинлашиш рус помешчикларнинг иқтисодий манфаатлари билан (Россиядан чиқариладиган буғдойнинг тахминан учдан бир қисми Германия томонидан сотиб олинар эди), шунингдек ҳар икки давлатнинг Европадати революцион ҳаракатга қарши курашдаги реакцион сиёсатининг умумийлиги билан боғланган эди.

1873 йилда Германия императори Вильгельм Петербургга келди. Бу ерда у дабдаба билан кутиб олинди. Россия ва Германия ўртасида ҳарбий-мудофаа конвенцияси имзоланди. Германия билан келишув Россияга Германиянинг эндиликда ҳақиқий иттифоқчиси бўлиб қолган Австрия билан яқинлашиш заруратини келтириб чиқарди. Россия Австрия билан келишиш орқали Болқондаги ўз ишларини йўлга қўйишга ҳаракат қилди. Европадаги реакцион кучлари бирлаштиришга уриниш сифатидаги “Уч император иттифоқи” 1873 йилда ана шундай юзага келди. “Уч император иттифоқи”нинг умри қисқа бўлиб чиқди. Чунки унинг аъзолари ўртасида зиддият кучая бошлади: Германия ва Россия ўртасида - иқтисодий ҳамда сиёсий заминда, Австрия ва Россия ўртасида - айниқса Болқон ярим оролига бўлган рақобатда.

## 2.2. Болқон ярим оролидаги вазият ва Россия

Болқон ярим ороли халқлари (греклар, серблар, черногорияликлар, болгарлар, руминлар)нинг феодали Туркия зулмига қарши ўзларининг миллий озодликлари учун олиб борган курашлари тўхтамади. Черногория князь Данил Негош даврида 1858 йилда ўз чегараларига бостириб кирган турк қўшинларини мағлубиятга учратди. Бу ғалабадан кейин герцеговиналиклар кўтарилди. 1868 йилда Крит оролида манфур турк ҳукмронлигига қарши греклар кўзғолон кўтардилар.<sup>20</sup> Турклар Европа давлатларининг ўзаро рақобатларидан фойдаланиб ҳамда Англия ва Австриянинг дипломатик ёрдами билан исён кўтарган герцеговиналиклар ва греклардан шафқатсиз ўч олдилар. Сербларнинг мустақиллик учун курашлари 1858 йилда - Сербияда Обреновичларнинг князлик династияси мустахкамланган бир пайтда айниқса кучайди. Дунай князликларида (Молдавия ва Валахияда) бир давлат остида бирлашишга интилиш кучайди.

Россиянинг манфаатлари Болқон ярим оролида Англия ва Австриянинг манфаатлари билан тўқнаш келди. Россия империяси ҳукумати Яқин Шарқдаги ўзининг иқтисодий ва сиёсий вазиятини кучайтириш мақсадида Болқон халқларининг Туркияга қарши олиб борган курашини қўллаб-қувватлаш сиёсатини юритди. Англия Россиянинг интилишларига қарама-қарши ҳаракат қилишдан иборат анъанавий йўлни давом эттирди. Ғарбдаги Пруссия ҳамда Франция (Италияда) билан бўлган тўқнашувларда мағлубиятга учраган Австрия эндиликда Болқонни экспанция қилиш йўли билан фақат шарққа қараб юришга умид қилиши мумкин эди.

60- йилларда Россия Болқон масаласида дастлаб бир қатор ғалабаларни қўлга киритди. 1861 йилда бирлашган Дунай князликларида - Руминияда 1866 йилга қадар Россия тарафдори Куза князь эди. 1866 йилда Россия ёрдамида Болқон давлатлари кучларини Туркияга қарши йўналтирган

---

<sup>20</sup> Писарев Ю.А. Освободительная борьба народов Боснии и Герцеговины и Россия 1850-1864. Документы. - М.: 1985. - С.235.



Сербия, Черногория, Греция, Руминиядан иборат иттифоқ юзага келди. Бироқ мана шундан кейин рус дипломатияси мағлубиятларга дучор бўлди: Куза ағдариб ташланди ва Руминияда Австриянинг таъсири кучайди. Болқон давлатларининг иттифоқи бузилди.<sup>21</sup>

Россиянинг Болқондаги душманлари билан курашдаги муҳим устунлиги Туркияга қарши курашаётган кучларнинг, энг асосийси Болтон ярим оролидаги болгар, серб каби славян халқларининг унга нисбатан муносабати эди. Улар Россияга ўзларининг анъанавий хомийси ва ҳимоячиси сифатида қарар эдилар. Қрим урушидан сўнг Россия жамоатчилиги чет эл зулми остида бўлган славянларга турли хил ёрдамлар кўрсатишни кучайтирди. Масалан, 1868 йилда Москва славянофиллари Славян хайрихоҳлик комитетини тузишди. Бу комитет славянларга маданий-оқартув ёрдамларини уюштирди; китоблар жўнатди, славян ёшларининг Россияда маълумот олишларига ёрдам берди. Ҳукумат Славян комитети ва унинг бошқа шаҳарлардаги бўлимларининг фаолиятини қўллаб-қувватлади: рус ўқув юртларидаги славян ўқувчилари учун давлат стипендиялари жорий этди, Москвада славян аёллари учун алоҳида мактаб очди. Бироқ буржуа-помешчиклар жамоатчилиги ва ҳукумат доираларининг барча фаолияти реакцион интилиш - панславянизм, славянофил И. С. Аксаков таъбири билан айтганда, ўз озодлиги учун курашувчи славян халқларига “рус бургутининг кудратли қаноти сояси”даги “сиёсий турмуш”ни бериш ниқоби остида ўтди.<sup>22</sup> Панславянистлар славян халқларининг Россия империяси ҳокимияти остида, энг аввало православ дини асосида бирлаштиришни хоҳлар эдилар. Панславянистлардан айримлари (масалан, М. Н. Катков) славянларнинг бирлашишлари учун рус тилини умумславян тили сифатида тан олиш ва охир-оқибатда барча славян халқларини руслаштириш зарур деб уқтирар эдилар.

---

<sup>21</sup> История России. Под редакцией А.Н. Сахарова. - М., 2006. – С.158.

<sup>22</sup> Писарев Ю.А. Освободительная борьба народов Боснии и Герцоговины и Россия 1850-1864. Документы. - М.: 1985. – С.286.

Славян комитетлари ва бошқа ташкилотларнинг амалий фаолияти, улар қўйган асосий сиёсий мақсадлардан қатъи назар, баъзи бир ижобий натижаларга олиб келди. Болгар ҳамда серб интеллигенциясининг кўпгина намояндалари Россияда маълумот олишиб, ўқитувчи, публицист, рассом бўлдилар. Улардан бир қисми ўз халқларининг миллий маданиятини ривожлантиришда улкан роль ўйнадилар. Бироқ ўз мустақилликлари ҳамда озодликлари учун асрий чет эл зулмига қарши кураш олиб бораётган славянларда реакцион панславянизм ғоялари хайрихоҳлик топа олмади. Славянлар рус самодержавиеси хоқимияти остига боришни ҳам истамадилар.

Славян халқларининг миллий тараққиётида демократик, революцион қарашларнинг қарор топишида Н. Г. Чернишевский, А. И. Герцен ва уларнинг ҳамфикрларининг фаолияти улкан аҳамият касб этди. Улар панславянистларнинг реакцион интилишларини, уларнинг босқинчилик моҳиятини, шовинизм ва барча славянларни “руслаштириш” истакларини фош этдилар. Улар славянлар ўз мустақиллиги ва озодлиги учун курашишлари, фақат рус самодержавиесининг “ёрдами”га ишонмай мустақил сиёсий ва маданий тараққиёт йўлидан боришлари лозимлигини кўрсатдилар. Славянофилларта қарата А. И. Герцен айтган эди: “Озодлик байроғини ҳар ерга ўрнатиш сизга эмас, сизга эмас... Сиз нажоткор эмас, “мусибат илохи” бўла оласиз”. Герцен ва Чернишевскийларнинг асарлари Болгария ва Сербияда катта шухрат қозонган эди. Революцион демократларнинг қарашлари таъсирида Россияда таълим олган славян ёшларининг дунёқараши шаклланиб борди.

Христо Ботев (Болгария) ва Светозар Маркович (Сербия) Чернишевскийнинг издоши эдилар. Славян мамлакатларидаги революцион тўғарак ва группалар Петербургдаги революцион тўғараклар, Герцен ва Огарёв тимсолида эмиграциядаги рус революцион ташкилотлари билан алоқада бўлдилар.

### 2.3. 1877 - 1878 йиллардаги рус-турк уруши

1875 йилда славян областлари Босния ва Герцеговинада феодал мустабид Туркия зулмига қарши кўзғолон кўтарилди ва бу кўзғолон тез орада кенг тарқалади. Кўзғолончилар: “...бизнинг бир қарич еримиз аждодларимиз кўз ёши ва қони билан суғорилган... Биз озодлик учун кураш ишига ёки сўнгги одамимиз ўлгунча курашишга қарор қилдик” деб чиқдилар.<sup>23</sup> Кўзғолон ҳозирги Югославия территориясида яшовчи барча славянларни бирлаштиришга интилувчи Сербия ва Черногориядаги қардош халқлар томонидан қизгин кутиб олинди.

Рус ҳукумати Босния ва Герцеговинанинг кўзғолон кўтарган аҳолисига илгари мустақиллик олган Руминияга ўхшаш мустақиллик бериш лозимлиги ҳақида Туркияга баёнот билан мурожаат қилди. Австрия-Венгрия кўзғолон кўтарган славянларнинг ҳимояси масаласида Россия кўлидаги ташаббуснинг мустаҳкамланишидан чўчиб, Россиянинг дипломатик чиқишига кўшилади. Россия ҳамда Австрия-Венгриянинг таклифи Париж битимига имзо чеккан давлатлар томонидан қабул қилинди ва славян аҳолисининг турклар билан тенг ҳуқуқлигини вужудга келтирувчи, диний эътиқодларга эркинлик бериш, солиқларни енгиллатиш ва бошқа шу кабиларни кўзловчи талаб - реформа сифатида Туркияга топширилди. Туркия реформа ўтказишга кўнади, бироқ кўзғолончилар Босния ҳамда Герцеговинадан турк кўшинлари чиқарилмагунча, ваъда қилинган реформа амалга ошмагунча ва кўзғолончилар кўйган ўзида қурол сақлаб қолишга ҳуқуқ ҳамда турк помещчиклари кўлида бўлган ернинг учдан бир қисми славян деҳқонларига берилиши каби кўшимча талаблар бажарилмагунча курашни тўхтатишни хоҳламадилар.

Горчаковнинг ташаббуси билан “Уч император иттифоқи” Туркияга асосан кўзғолончиларнинг талаблари маъқулланган “Берлин меморандуми” деб аталувчи меморандумини топширишга ҳозирлик кўришди. Бироқ Англия

---

<sup>23</sup> Шеремет В.И. Османская империя и Западная Европа во второй третий XIX века. - М.: 1986. – С.134.

уч давлат меморандумини қўллашдан бош тортди ва “Берлин меморандуми”га қадар Туркия томонидан розилик олинган мажбуриятларни ҳам бажармасликка Туркияни авраб кўндирди. Бир вақтнинг ўзида турк ҳукумати туркларнинг зўравонлиги ва таъқибларига қарши бош кўтарган болгар кўзғолончиларидан шафқатсиз қасос ола бошлади. Филиппополь областида боши бузуқлар (Туркиянинг полиция кўшинлари) ўнлаб болгар қишлоқларини таладилар ва ёндирдилар. 15 мингга яқин аҳолини қийнаб ва азоблаб, қириб юбордилар.<sup>24</sup>

Сербия ва Черногория Босния ҳамда Герцеговинадаги кўзғолон кутарган славян оғаларига ёрдам бериш мақсадида иттифоқ тузишади. 1876 йил июнда улар Туркияга уруш эълон қилишади.<sup>25</sup>

Рус илғор жамоат доиралари кўп асрлик тарихий анъаналарга, чуқур ўзаро дўстлик, ҳамкорлик туйғуларига таяниб, турклар зулмига қарши курашаётган славян халқларининг аҳолини дилдан ҳис этиб, уларнинг озодлик йўлидаги курашларида кўмак бердилар.

Иона тўплаш кенг миқёсда бўлди. Руслардан кўплари Сербияга кўнгилли сифатида кетиш истагини билдирдилар. Ёзувчи-демократ Глеб Успенский Болқонга борди, журналист А. Ерошенко сербларнинг турклар билан бўлган жанглирида ҳалок бўлди. Ёзувчи В. Гаршин ўша ёққа интилди. У демократ ёшларнинг кайфиятини ифодалаб ёзди:

*Биз бормаймиз шоҳнинг ҳаваси учун*

*Қийналмоқ ва ўлмоқ учун.*

*Бизнинг жанговар садомиз эркин*

*Қудратлидир бизнинг қўшин.*

Россия империяси ҳукумати икки ёқлама сиёсат юргизди: бир томондан, у ижтимоий қаракатдан Яқин Шарқдаги ўзининг босқинчилик режаларини амалга ошириш учун фойдаланмоқчи бўлди. Иккинчи томондан,

<sup>24</sup> Писарев Ю.А. Освободительная борьба народов Боснии и Герцеговины и Россия 1850-1864. Документы. - М.: 1985. – С.334.

<sup>25</sup> Шеремет В.И. Османская империя и Западная Европа во второй третий XIX века. - М.: 1986. – С.173.

маълум даражада мамлакатнинг революцион кучларини ташкил этувчи рус жамияти демократик кучларининг бу ҳаракатда қатнашишидан чўчиди. Болгарларга ёрдам кўрсатиш ҳамда серб армиясига кўнгилли сифатида боришга аҳд қилган илғор зиёлилар ва халқ вакилларига тескари бориб, “кўнгилли”ларни асосан офицерлардан ёки истеъфога чиққан Россия империяси солдатларидан танлади. Мухтожликдаги славянларга маблағ тўплаш, умуман уларга ҳар қандай ёрдамни ташкил этиш ҳукумат назоратида славян комитетлари зиммасига юкланди. Православ черкови “ҳамдин оғалар”га ёрдам ташвиқот ишларини олиб боради.

Ички сиёсий мулоҳазалар ва иқтисодий манфаатлар Россия жанубининг жуда тез капиталистик ривожига, Қора денгизда савдо-сотиқнинг кенгайиши Россия империясини уруш сари итарди. Ҳукумат исён кўтарган славянларга фақат дипломатик эмас, балки ҳарбий жиҳатдан ҳам кўмак берди. Сербияга рус генерали Черняев келади. У серб армиясига йўл-йўриқлар кўрсатади, кейинчалик туркларга қарши ҳарбий ҳаракатларда раҳбарлик қилади.

Болқонда урушга кирмоқчи бўлган Россия учун халқаро аҳвол ноқулай эди. Болқонда Россия мавқеининг кучайишига ашаддий рақиб Англия эди. Россиянинг Ўрта Осиёда ҳам у билан оғир кураш олиб боришига тўғри келди. Шунингдек, Австрия-Венгрия ҳам Россиянинг муқаррар душмани эди. Россиянинг Туркияга қарши ҳужумкорона сиёсатини ҳар қандай йўл билан қўлловчи бирдан-бир дипломатик шериги Германия канцлери Бисмарк эди. Бироқ Россия билан Туркия ўртасида ҳарбий тўқнашув юзага келган тақдирда Россияга бирон-бир реал ёрдам кўрсатишдан Германия йироқ эди. Бисмарк Россияни Европадаги ишларидан чалғитиш, Европадаги ўзининг бош рақибни Францияни бутунлай тор-мор қилиш ҳақидаги пухта ўйланган планини барбод этиш мумкин бўлган Европадаги ўзининг асосий рақибидан қутилиб, уни ўзининг шарқдаги иттифоқчисига айлантиришдан иборат бўлган ўз мақсадларини кўзлади.

Рус дипломатияси Туркия билан уруш кетаётган бир пайтда Австрия-Венгриянинг ҳаракат қилишидан Россияни хавфсизлантириш учун мавжуд барча тадбирларни кўрди. 1876 йил июлида Рейхштадтда икки император - Александр II ва Франц Иосифларнинг учрашуви бўлиб ўтди ва бу учрашувда Россия билан Австрия-Венгриянинг Болқонда ҳамкорликда ҳаракат қилишига келишиб олинди. Рус дипломатияси Болқон славянлари эвазига айрим ён беришларга мажбур бўлди. Австрия-Венгрия Босния ҳамда Герцеговинанинг бир қисмини ўзига қўшиб олиш ҳуқуқини олди.<sup>26</sup>

Россия Болқон ярим оролида йирик славян давлатининг вужудга келишига зид ҳаракат қилиш мажбуриятини олди.

Асосан деҳқонлардан ташкил топган, ҳарбий ишга шошилишч ўргатилган серб армияси ҳали турклар ўзининг йирик ҳарбий кучларини марказлаштириб улгурмаган урушнинг дастлабки пайтларида бир қадар муваффақиятларга эришди, бироқ тез орада унга мудофаага ўтишга тўғри келди. 1876 йил октябрида серб армияси катта мағлубиятга учради. Сербиянинг аҳволи мушкуллашди. Россия дипломатик муносабатларини узиш билан дўқ қилиб Туркияни ярашишга кўндиради ва шу йўл билан Сербияни турк кўшинларининг бостириб киришидан сақлаб қолди. Рус дипломатиясининг тазйиқи билан Константинополда Европа давлатларининг конференцияси чақирилди ва унда Босния, Герцеговина ҳамда Болгарияни автономлаштириш лойиҳаси қабул қилинди. Бу автономияни эса Туркия ҳукумати амалга ошириши лозим эди. Англиянинг фитнаси билан Туркия умумдавлат конституцион реформасини ўтказиш баҳонаси остида конференциянинг қарорини бажаришдан бош тортди. Россия империяси ҳукумати тинч йўл билан Туркиянинг ён беришига эришиш учун яна бир бор уриниб кўрди. Бироқ Англия томонидан кўмак берилишига ишонган Туркия Россиянинг таклифини қатъий рад этди ва уруш чиқариш учун фитна кўзғашда давом этди.

---

<sup>26</sup> История России. Под редакцией А.Н. Сахарова. - М., 2006. – С.215.

1877 йил апрелида подшоҳ Туркияга уруш эълон қилиш ҳақида манифест чиқарди.

Ҳарбий ҳаракатлар Болқон ярим ороли ва Кавказда авж олди. Рус армиясининг асосий кучлари Руминияда, Бухарест яқинида тўпланди. Уларнинг сони 250 минг кишидан ортиқ эди. Рус армияси таркибига болгар халқ лашкари ҳам қўшилди. Дунайдаги турк армияси 200 минг кишига ҳам етмас эди. Кавказда 70 мингга яқин рус қўшини ҳаракат қиларди. Урушнинг боришида Болқон ҳарбий ҳаракат сахнасидаги ҳарбий операциялар ҳал қилувчи аҳамият касб этди.<sup>27</sup>

70-йиллардаги реформалар Рус армиясини Қрим уруши даврида кўзга ташланган айрим камчиликлардан халос этилди; энди у яхши қуролланган, умумҳарбий мажбурият асосида тўлдирилган армиянинг офицерлар состави анча яхши тайёрланган эди. Бироқ армиянинг ташкил этилиши, унинг таъминоти, энг муҳими, ҳарбий операцияларни бошқариш барибир қониқарсиз даражада бўлиб чиқди. Буларнинг барчаси асосида мустаҳкам илдиз отган ўтмиш крепостной жамятнинг қолдиқлари, чиновник-самодержавие системасининг таъсири ётар эди. Ҳаракатдаги армиянинг бош қўмондони қилиб ҳеч қандай жанговар тажрибага эга бўлмаган, катта ҳарбий ҳаракатларни бошқаришга мутлақо иқтидорсиз бўлган подшонинг акаси Николай тайинланади. Бош штаб бошлиғи сифатида истеъдодсиз ва ўз ўрнига эга бўлмаган идорабоз-чиновник генерал Непокойчицкий танлаб олинади. Бир қанча ҳарбий операцияларни муваффақиятли амалга оширган истеъдодли генераллар (Гурко, Драгомиров, Обручев, Скобелев) ҳам бор эди, аммо улар бош қўмондонликка таъсир кўрсата олмас эдилар. Армия таъминотидаги суиистеъмомчилик, армия маблағини ўғирлаш ва олиб-сотарлик, штабларда ҳамда фронт ортида фақат мансаб ва бойлик тўплаш иштиёқида юрган бекорчиларнинг кўплиги уруш даври Россия империяси армиясининг энг характерли белгиларини ташкил этарди.

---

<sup>27</sup> Головатенко А. История России: спорные проблемы. - М., 1993. - С.201-202.

Урушнинг Россия учун муваффақиятли якунланишини таъминлаган муҳим сабаб илгари ҳам намоён бўлган рус солдатининг ажойиб матонати, жанглардаги жасорати ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишдаги фавқулодда чидамлилиги каби жанговар ҳислатлари эди. Солдатлар славян оғаларига чет эл золимларига қарши олиб бораётган азалий курашларида ҳақиқатан ҳам ёрдам беришни истар эди. Рус армиясининг Болгария ичкарасига чуқурроқ кириб бориши давомида тобора кўплаб қўшилаётган болгар кўнгиллилари билан рус солдатлари ўртасидаги жанговар ҳамкорлик, болгар халқининг миллий озодлик ҳаракатидаги оммавий кўтарилиш катта ахамият касб этади. Болгарлар рус солдатларини озиқ-овқат билан таъминладилар, уларга ҳандақлар қазиди, оғир қуролларни олиб келишда кўмаклашдилар, йўл бошловчи бўлдилар.

Болгар деҳқонлари феодал истибдоддан озод бўлиб, турк помещикларининг ерларини тортиб олишар ва ўзаро бўлиб олишар эди.

Рус армиясининг Дунай фронтидаги жанговар ҳаракатлари 1877 йил июнида Систово яқинида Дунайни муваффақиятли кечиб ўтиш билан бошланди. Турклар рус кўшинларининг сиқуви остида чекиндилар. Ўн минг кишилиқ генерал Гурко отряди ўзининг шиддатли ҳужумини ривожлантириб, Болқон тоғларини кўлга киритди, чўкқилардан ошиб, тоғнинг ўнг бетига тушди ва туркларнинг Адрианополга чекиниш йўлига ҳавф солди. Бироқ генерал Гурко кўшинлари фронт орқасидан узилиб қолган ҳолда Сулаймон пошшо кўмондонлигидаги турк армиясига тўқнаш келганлиги сабабли тоғ доvonларига чекинишга мажбур бўлди. Бу ерда Гурко отряди рус армиясининг асосий кучларига ҳавф солган турк кўшинларининг олдинга қараб силжишини тўхтатиши лозим эди. Урушнинг энг қаҳрамонона лавҳаларидан бири - руслар томонидан Шипка доvonини турк кўшинларининг энг катта кучлари ҳужумидан химоя қилиш бошланди. Шипка химояси қишнинг қор ва совуқларида, оғир тоғ урушлари шароитида, серқоя чўкқиларда бир неча ой мобайнида давом этди. Шипка химоясида



болгар кўнгилли кўшинлари ҳам кўмак берди. Болгариянинг шимолидаги турк қалъалари (Шумла, Варна) қуршаб олинган эди, ҳарбий йўналишда рус кўшинлари Никополь қалъасини ишғол қилади.<sup>28</sup>

Биринчи ғалабалардан сўнг рус армиясининг бошига йирик муваффақиятсизликлар тушди. Усмон пошшо кўмондонлигидаги турклар бир неча йўллар кесишадиган муҳим стратегик жой ҳисобланган Плевнани эгалладилар ва шу ердан туриб улар рус армиясининг ўнг қанотига ҳамда ўзаро алоқа йўлларига хавф туғдира бошладилар. Рус кўмондонлиги Плевнанинг аҳамиятини ҳисобга олмай жуда катта хатоликка йўл қўйди. У ўз районидаги туркларнинг хатти-ҳаракатини кўрмай қолди: натижада армия оғир талафотни бошидан кечирди ва урушнинг кейинги боришида ноқулай шароит юзага келди. Мутлақо етарли бўлмаган кучлар воситасида Плевнани эгаллаш учун русларнинг биринчи уриниши турклар томонидан осонлик билан қайтарилди. Орадан ўн кун ўтгач (30 июлда) энди ўттиз минг кишилик корпус билан ҳужум яна қайтарилди. Бироқ Плевнани яхши мустаҳкамлаб олган Усмон пошшо рус кўшинларига катта талафот бериш билан сиқувни қайтарди. Бу рус армиясини ҳужумни тўхтатишга мажбур этган “иккинчи Плевна” эди. Россиядан гвардиячи қисмлар чақирилади, жангга руслар билан бирга румин кўшинлари ҳам кирди. “Учинчи Плевна” - Плевна истехкомини эгаллаш жуда катта кучлар билан 11 сентябрда бошланди. Бир неча кун давомида қонли жанглар борди ва унда руслар 15 мингга яқин қурбон бердилар. Плевна қўлга киритилмайди. Рус армияси 1877 йил компаниясида энг катта муваффақиятсизликка учради. Плевнадаги муваффақиятсизликларнинг айбдори подшонинг истеъдодсиз акаси бошчилигидаги кўмондонлик эди.<sup>29</sup>

Плевна қамали бошланади ва унга раҳбарлик қилиш 1854-1855 йиллардаги Севастополь мудофаа истехкомларини ташкил этиш билан

---

<sup>28</sup> Шеремет В.И. Османская империя и Западная Европа во второй третей XIX века. - М.: 1986. – С.268.

<sup>29</sup> История России. Под редакцией А.Н. Сахарова. - М., 2006. – С.264.

танилган Тотлебенга топширилади. Декабрнинг бошларида озиқ-овқат запасларини тугатган Усмон пошшо қуршовни мардонавор ёриб чиқишга уриниб кўрди. Бу ҳаракат муваффақиятли чиқмади. Усмон пошшо таслим бўлишга мажбур бўлди.

Плевнанинг қулаши билан урушнинг охириги босқичи бошланди. Катта талафотлар ва мамлакатдаги оғир молиявий шароит Россия империяси ҳукуматидан урушни тезроқ якунлашни талаб этарди. Қўлга киригилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва Плевнанинг қулашидан сўнгги душманнинг саросималигидан фойдаланиш зарур эди. Бу пайтга келиб серблар ҳам куч тўпладилар ва туркларга қарши муваффақиятли ҳужум бошладилар. Туркия кўмондонлиги русларнинг ҳужумига ҳаддан ташқари оғир шароитларни туғдирган қорли, совуқ Болқон доволарида русларни тўхтатиб қолишга умид боғларди. Болқондан ошиб ўтиш учун рус армияси уч отрядга бўлинган эди. Йигирма беш градусли совуқда дара ва жарликлар оша музлик ҳамда қалин қорликлардан генерал Гурко отряди ўзининг қахрамонона ошиб ўтишини бошлади. Оғир тўпларни солдатлар қўлларида кўтариб ўтишларига тўғри келарди. Болқондан ошиб ўтган Гурко Болгариянинг пойтахти София шаҳрини озод қилди.

Генерал Радецкий отряди Шипка доволондан ўнгга қараб силжиди. Шипка олдида жойлашган турк кўшинлари ўраб олинди ва бир оз қаршилиқдан сўнг улар таслим бўлишди. Турклар Филиппополь остоналарида рус кўшинларини тўхтатиб қолишга охириги марта муваффақиятсиз уриниб кўрдилар. Мана шундан уч кун кейин Андрианополь шаҳри эгаллаб олинди. Бир пайтнинг ўзида серблар ва черногорликлар муваффақиятли ҳужумларини кучайтирдилар. Кавказ фронтида турклар мағлубиятга учради. Руслар Карс ва Боязидни эгалладилар ва Арзирумга яқинлашдилар.

Туркия сулҳ сўрашга мажбур бўлди. Турк султони рус подшосига йўллаган телеграммасида урушни келтириб чиқарган “бахтсиз шароитлар”

ҳақида афсус надоматлар билдириб “имкони борича тезроқ беҳуда қон тўкишларига чек қўйишни оташин” иштиёқ билан сўради.<sup>30</sup> Россия учун ҳам тезлик билан сулҳ тузиш жуда зарур эди. Моддий воситалар ва одам кучларининг танглиги сўнгги нуқтага етган эди. Турклар устидан қозонилган ажойиб ғалабалардан сўнг рус армиясининг шароити оғир эди: фронт орти билан алоқа ҳаддан ортиқ чўзилиб кетганди, денгиздан Англия fronti хавф солар, уст-бошлар йўқ эди, қўшин ичида юқумли касалликлар кенг тарқалган эди.

Рус армияси Константинополдан 12 км масофадаги Сан-Стефано кишлоғини эгаллади. Туркия пойтахтини эгаллашдан рус ҳукумати ўзини тийиб турди. Константинополь эгалланган тақдирда Англия ва Австрия Россия билан дипломатик муносабатларни узиб қўйиш хавфини солмоқда эди.

1878 йил 3 мартда урушувчи томонларнинг вакиллари Сан-Стефанода сулҳ шартномасига имзо чекдилар. Бу шартномага мувофиқ Туркия Черногория, Сербия ва Руминиянинг тўла мустақиллигини тан олди. Шу билан бирга Черногория ва Сербия ўзининг майдонини анча кенгайтириб олди. Янги давлат - Болгар князлиги вужудга келди ва ўз ичига Дунайдан тортиб Эгей денгизига қадар болгар аҳолиси бўлган (Болгариянинг ўзи, Шарқий Румелия ҳамда Македониянинг бир қисми) барча майдонини қамраб олди. Босния ва Герцеговина автономия олишди. 1856 йилда Руминияга босиб олинган Бессарабиянинг бир қисми Россияга қайтарилди. Бунинг эвазига Руминия Добружани олди. Осиёда Россияга Ардаган, Батум, Карс, Баязид қайтариб берилди. Туркия 310 млн. сўм контрибуция тўлаши керак эди.<sup>31</sup>

Сан-Стефано сулҳ шартномаси Болқонда руслар таъсирини кучайтирди. Болгария чегаралари (у ерларда икки йил давомида рус

---

<sup>30</sup> Шеремет В.И. Османская империя и Западная Европа во второй третей XIX века. - М.: 1986. – С.358.

<sup>31</sup> Головатенко А. История России: спорные проблемы. - М.,1993.- С.265.

кўшинлари қолдирилиб турилган эди) Константинополь денгиз бўғозлари яқинидан ўтар эди. Болгария Болқон ярим оролидаги рус плацдарми ролини касб этди.

Англия ва Австрия-Венгрия Россиянинг Яқин Шарқда бундай кучайишига йўл беришни истамас эди. Шунинг учун улар Сан-Стефано шартномасининг шартларига қарши қатъий норозилик билдирдилар. Россия империяси ҳукумати янги рақиблар билан урушни давом эттиришдан қочиб, Сан-Стефанода Туркия билан имзоланган сулҳ шартларини қайтадан кўриб чиқиш учун халқаро конгресс чақирилишига рози бўлишга мажбур бўлди. Рус дипломатияси конгрессда Россия манфаатлари Бисмарк томонидан қўллаб-қувватланишига умид боғлади. Берлин конгресс ўтказиладиган жой сифатида танланади. Бироқ конгресс чақирилгунга қадар Бисмарк ўзининг “ҳалол даллолик” вазифасини адо этажagini ошкор этди. Энди рус дипломатиясининг Германия ёрдамига таянишидан ҳеч қандай наф йўқ эди.

Мана шунинг учун Берлин конгрессида Россия тамоман яққаланиб қолди. Ўзининг талабларини ҳарбий намоишлар билан мустаҳкамлаб олган Англия жуда ҳам мурасасиз эди. Бисмаркнинг конгрессдаги “ҳалол даллолик”чилиги шунда кўриндики, рус дипломатияси илгари инглиз ҳамда австрияликлар билан келиша олмаган барча муҳим масалаларда у Россиянинг мухолифларини қўллаб-қувватлади. Конгрессдаги дипломатик курашларнинг якуни Россия ҳамда жанубий славянларнинг манфаатларини Сан-Стефано сулҳининг шартларига нисбатан сезиларли даражада чеклаб қўювчи 1878 йил Берлин битими булди. Болгар князлиги автономия сифатида тан олинди, аммо унинг масофаси Болқондан Дунай бўйлаб шимолга томон бўлган майдон билан чекланди. Болқондан жанубга томон эса султон ҳокимияти остида (христиан генерал-губернатор бошчилигида) Шимолий Румелия автоном области ташкил этилди. Македония Туркияда қолди. Черногория, Сербия ва Руминия мустақил деб эълон қилинди. Бироқ Черногория ҳамда Сербия майдонининг ҳажми қисқартирилди. Россиянинг территорияга

эгаллиги Қуйи Дунай, Осиёда эса Ардаган, Батум ва Карс билан чегараланди.

Контрибуция илгариги ҳажмда тасдиқланди. Берлин битимининг қабул қилинишидаи Россиянинг Туркия билан урушмаган душманлари яхши фойдаландилар: Австрия-Венгрия Босния ҳамда Герцеговинани эгаллаш ва уларни бошқариш ҳуқуқини олди, Англия эса (Туркия билан яширин келишувга мувофиқ) Кипр оролини эгаллади, бу ерни у кейинчалик ҳарбий-денгиз базасига айлантирди.

Шундай қилиб, Россия империяси дипломатиясининг Яқин Шарқдаги режалари амалга ошмади. 1877-78 йиллардаги урушлар оқибати жуда ҳам камтарона натижаларга олиб келди, Берлин шартномаси эса кейинроқ Болқондаги янгидан-янги ҳамда кескин конфликтларнинг манбаига айланди. У Болқон ярим оролидаги славян аҳолисининг манфаатларига зид эди. Босния ҳамда Герцеговинанинг Австрия томонидан босиб олинishi серб халқининг миллий жиҳатдан бирлашишига ҳалал берди, у узок вақт ажралган ҳолда қолди.

Берлин конгрессининг ноҳақ қарори Босния ва Герцеговина аҳолисида норозилик келтириб чиқарди. Қўзғолон бошланди, лекин уни австриялик босқинчилар шафқатсизлик билан бостирдилар. Шунингдек, Болгариянинг уч қисмга бўлиниши ҳам болгар халқининг эркинлигини бўғди, болгарлар бунга қарши норозилик билдирдилар ва матонат билан кураш олиб бордилар.

Берлин битимининг чеклашига қарамай рус-турк уруши ҳар ҳолда Болқон халқлари учун миллий кучларни жипслаштиришда ёрдам кўрсатиб, ижобий аҳамият касб этди. Айниқса у болгар халқининг тақдири учун катта аҳамиятга эга бўлди: болгар миллий мустақиллигига асос солинган эди, аграр реформа амалга оширилган (турк феодалларининг ерлари деҳқонларга бўлиб берилган) эди, Болгария буржуа тараққиёти йўлидан кетди. Бу уруш давридаги тарихий воқеаларининг асосий мазмуни буржуа-миллий ҳаракатлардан ёки феодализмнинг ҳилма-хил кўринишларидан озод бўлаётган буржуа жамиятининг “талвасалари”дан иборат эди.

Берлин шартномаси Россиянинг Европадаги сиёсатига ҳам таъсир кўрсатди. Берлин конгрессида Бисмарк тутган йўл рус-герман муносабатларини кескин ёмонлашиб кетишини бошлаб берди, натижада кейинчалик бу нарса Германия билан Австрия-Венгрия ўртасида Россияга қарши иттифоқ тузилишига олиб келди ва Россиянинг Франция билан яқинлашишига шарт-шароит туғдирди.

### **3. РОССИЯНИНГ XIX АСРНИНГ 80-90-ЙИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРГАН ТАШҚИ СИЁСАТИ**

#### **3.1. Россия империяси ташқи сиёсатининг мақсадлари ва халқаро вазият.**

Александр III ҳукмронлик қилган бутун даврда подшо ҳукуматининг ташқи сиёсати ўз моҳияти билан Россия империясининг 70-йиллардан бошлаб ўтказиб келган ташқи сиёсатининг давоми эди.

Мамлакат ичида ғоят тез ривожланаётган саноат капитализми билан қолоқ ярим феодал ер эгаллиги ўртасидаги зиддиятлар кескинлашган сари бу сиёсатнинг босқинчилик характери кучая борди. Ёш рус буржуазиясининг янги территориялар босиб олишга интилиши ички бозорнинг ниҳоятда секин ўсиши натижасида пайдо бўлди, миллион-миллион деҳқонларнинг қашшоқлиги ва помещчик хўжалигининг қолоқлиги ички бозорнинг ривожланишига тўсқинлик қиларди. Россиядаги ҳукмрон помещчиклар синфи буржуазиянинг янги территориялар босиб олиш йўлидаги интилишларини қувватлади, чунки бу сиёсат, биринчидан, тез ривожланаётган йирик саноат билан ўз ривожланишида орқада қолаётган деҳқончилик капитализми ўртасидаги зиддиятларни бўшаштирарди, иккинчидан эса, катта-катта янги ерларни босиб олишдан, янги хом ашё районларини эксплуатация қилишда иштирок этишдан ва дворянларнинг босиб олинган территориялардаги кўп сонли ҳарбий ва маъмурий лавозимларни эгаллашидан дворян-помещчиклар синфининг ўзи ҳам бевосита манфаатдор эди. Кучайиб, мустаҳкамланиб олаётган саноат буржуазиясининг манфаатларини ва шунингдек, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилувчи помещчикларнинг манфаатларини кўзлаб, подшо ҳукумати аввалги ўн йил ичида Ўрта Осиёдаги бир қанча ерларни истило қилишда эришган ютуқларига таяниб, Ўрта Осиёни бутунлай босиб олишга интилди.

Подшо ҳукуматининг Яқин Шарқдаги асосий мақсади Болқонга

иктисодий силжишни кучайтириш ва бу районда ўз сиёсий таъсирини мустаҳкамлаш эди. Ўз мақсадларини амалга оширишда подшо ҳукумати рус армияси ёрдами билан туркларнинг асрий жабр-зулмидан қутулган ва Россияни ўзларига Туркия томонидан бўлиши мумкин бўлган агрессив ҳаракатлардан ҳимоя қилувчи асосий иттифоқчи деб билган Болқон халқларининг Россияга нисбатан ошиб борган дўстона туйғуларига таянган эди. Бундай ташқари, подшо ҳукумаги ўзининг бўғозлардан эркин фойдаланиш ҳуқуқини тиклашга ва Қора денгиз давлати ҳисобланмаган чет эл давлатларининг бўғозларга контроллик қилишини тугатишга интилди.

Лекин подшо Россиясининг 1878 йилда Берлин конгрессида сиёсий мағлубиятга учраганлиги, сўнгги икки уруш натижасида анчагина молиявий-иктисодий қийинчилик кечираётганлиги ҳамда буюк давлатларнинг халқаро майдондаги кучлар нисбати ўзгарганлиги унинг бу мақсадларни амалга оширишини мураккаблаштирди.

Энг йирик империалистик давлатларнинг дунёни узил-кесил қайтадан тақсимлаш учун бир-бири билан олиб борган кураши 80-йилларда жуда ҳам кескинлашиб кетди. Бу курашда Англия билан Франциянинг Яқин Шарқдаги ва Африкадаги ўзаро зиддиятлари асосий ўрин тутар эди.

Франция ва Англиянинг мустамлакалар учун бир-бири билан рақобат қилиши иккала давлатнинг Европада ҳарбий блок (иттифоқ) туза бошлаган Германияга қарши кураши билан мураккаблашди.

Берлин конгресси қарорлари натижасида Россиянинг халқаро аҳволи ниҳоятда оғирлашди. Австрия-Венгриянинг Босния ва Герцеговинани оккупация қилиш билан бу давлатнинг зулми остида азоб чекиб ётган славян халқларининг сони анча кўпайди. Фарб давлатлари Болгария территориясини бўлиб юбориб ва Австрия-Венгрия томонидан Босния ва Герцеговинанинг оккупация қилинишини қувватлаб, Болқонда Австрия-Россия зиддиятларини кучайтирдилар ва бу зиддиятлардан ўз мақсадлари учун фойдаландилар. Австрия-Венгрия капиталининг зўр бериб Сербия ва Болгарияга ўтиб



киришга биринчи галда Германия ёрдам берди, чунки у Франция томонидан рўй бериши мумкин бўлган реваншга (ўч олишга) қарши ўзининг Австрия-Венгрия билан бўлган иттифоқидан ва Австрия-Россия зиддиятларини ҳал қилишда воситачилик ролини ўзида сақлаб қолишдан ҳамда Россияни Германия учун хавфли бўлган Франция-Россия иттифоқига кўшилиш фикридан бошқа томонга буриб юборишдан манфаатдор эди.

Россия билан Австрия ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуvidан Британия дипломатияси ҳам манфаатдор эди, чунки у бу муносабатларнинг ёмонлашуvi Россиянинг Ўрта Осиёга яна ҳам кўпроқ кириб боришини тўхтатади, деб ўйлар эди.

Подшо ҳукуматининг, Англия Қора денгиз томондан Россияга ҳарбий хужум қилиши мумкин, деб хавфсирашига ҳам тўла асос бор эди, чунки Англиянинг ўз ҳарбий флота учун бўғозларнинг ёпиқлиги принципига риоя қилмоқчи эмаслиги Берлин конгрессида аён бўлган эди.

Россиянинг 80-йиллардаги ташқи сиёсатига Германияга мойиллик билан иш тутиш тарафдори бўлган Н. К. Гирс раҳбарлик қилар эди, у ҳам Александр III га герман монархиясини мустаҳкам ва ўз реакцион режими жиҳатидан Россиясига яқин, деб ҳисобларди. Гирс подшога қилган шахсий докладларида ташқи сиёсатга доир асосий масалалар тўғрисида дипломат сифатида ҳеч қандай принципиал фикр баён қилмас эди. У сўзсиз бажариш учун директивалар оларди. Александр III ҳукумати Россиянинг ҳарбий жиҳатдан тайёрланмаганлиги учунгина эмас, балки асосан уруш вақтида мамлакатда революцион портлаш юз бериши мумкин деб хавфсирагани учун ҳамма нарсдан кўра урушдан кўпроқ кўрқар эди.

70-йиллар охиридан 80-йилларгача Германия ҳукумати мазлум хорват, чех, словак, закарпатиялик украин халқлари яшайдиган исёнкор территорияга эга бўлган қуроқ Австрия-Венгрия монархиясининг қийинчиликларидан ва Австрия билан Россия ўртасидаги зиддиятлардан ҳамда Россия билан Англиянинг Яқин Шарқ ва Осиёдаги манфаатлари

ўртасидаги тўқнашувлардан ўз мақсадида фойдаланиб ташқи сиёсат олиб борди.

1879 йил 7 октябрда Венада Австрия билан Германия ўртасида яширин шартнома имзоланди, унинг биринчи моддасида иккала иттифоқчи давлатдан бирига Россия ҳужум қилган тақдирда ҳар иккала иттифоқчи давлат бир-бирига сўзсиз ёрдам бериши кўзда тутилган эди. Бу мажбурият Россия бирон бошқа давлатнинг Германия ёки Австрия-Венгрияга ҳужумини қувватлаган тақдирда ҳам амал қилиши керак эди.

Австрия-Венгрия билан тузган бу иттифоқ орқали герман канцлери Бисмарк Россия Франция билан иттифоқ тузган тақдирда Россияни тўғридан-тўғри хавф остида қолдиришга ва шу билан бирга у, Франция-Россия иттифоқи вужудга келиши эҳтимолидан ҳадиксираб, Россияни ҳар қандай йўл билан нейтраллаштиришга интилган эди. 1881 йилда Бисмарк Ўрта Осиёда кескинлашиб кетган Англия-Россия зиддиятларидан фойдаланиб, “Уч император иттифоқи”ни янги шартлар асосида олти ойга қайтадан тиклашга муваффақ бўлди: Англия билан Россия ўртасида жанжал чиқса Германия ва Австрия-Венгрия бу жанжалга аралашмасликлари ҳақида Россияга кафолат бердилар, Россия эса Франция билан Германия ўртасида янгидан низо пайдо бўлса бетараф туриш мажбуриятини олди.

Шу билан бир вақтда Германия ҳукумаги Франция билан Италиянинг Тунисдаги зиддиятларидан фойдаланиб, Италияни Австрия-Германия блокага қўшилишга кўндирди. 1882 йил 20 майда Италия бу блокнинг аъзоси бўлиб қолди, бунинг эвазига Германия ва Австрия-Венгрия ҳукуматлари агар Италия Франция билан урушиб қолгудай бўлса, Италияга бевосита ёрдам бериш мажбуриятини олдилар. Уч давлатнинг “умумий тинчликни таъминлашни кучайтириш” истаги тўғрисида, Учлар иттифоқининг “муҳофаза” ва “мудофаа” характеридаги иттифоқ эканлиги тўғрисида 1882 йил шартномасининг кириш қисмида айтилган гаплар унинг агрессив

моҳиятини яшира олмади.<sup>32</sup>

Шундай қилиб, 80- йиллар бошидаёк Европа марказида давлатларнинг биринчи ҳарбий группировкаси ташкил топди.

### **3.2. Россия ва Англиянинг Ўрта Осиёдаги рақобати.**

80-йиллар бошида Россия Ўрта Шарқда Англиянинг жуда катта қаршилигига дуч келди, Англия ўз протекторати остидаги Афғонистон орқали Туркистон территорияларини босиб олишга интилар эди.

Лекин Ўрта Осиё масаласи Россиянинг ҳукумат ва савдо-саноат доираларининг эътиборини ўзига тобора кўпроқ жалб қиларди. Анча кўп ривожланган саноати бўлган Ғарбий Европа мамлакатларининг бозорларидаги рақобатга рус саноат маҳсулотлари бардош бера олмаётган, Болқон мамлакатларнинг бозорлари эса кўпроқ Австрия-Венгрияга қарам бўлган бир вақтда Ўрта Осиёда янги бозорларни забт қилиш рус буржуазияси учун айниқса муҳим эди.

1880 йилда генерал Скобелевнинг ҳарбий экспедиция отряди эрон - туркман чегараси яқинида - Ашхобод ёнида бўлган жуда кучли қалъани - Кўктепани олди, 1884 йилда эса рус кўшинлари Марв воҳасини ишғол қилди. Рус кўшинларининг Закаспий областида Афғонистон чегараси томонига силжиб бориши ва айниқса Марв шаҳрини эгаллаши Англияда катта ташвиш туғдирди. Ҳиндистонда инглиз вице-короли сафарбарлик эълон қилди, Британия эскадраси Балтика денгизига жўнаб кетишга тайёрланди. Француз матбуоти ўша вақтда Ғарбий Европадаги ҳарбий кайфиятни ифодалаб: “Биз нервдан эмас, балки Марвдан касалмиз” деб ёзган эди.

1885 йил мартида инглизларнинг қутқулаши натижасида афғон кўшинлари билан генерал Комаров қўмондонлиги остидаги рус кўшинлари отряди ўртасида тўқнашув бўлди. Шунда афғонлар енгилиб, рус кўшинлари Кушкани ва Ҳиротга, Афғонистоннинг “шимолий дарвозалари”га

---

<sup>32</sup> Головатенко А. История России: спорные проблемы. - М.,1993.- С.305.

бориладиган йўлдаги афғон шаҳарчаси Панжни ишғол қилганида Англияда яна уруш жазаваси авж олди.

Англия билан Россия ўртасида уруш бўлиши муқаррар, деб ўйлашарди Европа мамлакатларининг пойтахтларида. Россиянинг Ўрта Осиёда ўлжани тақсим қилиш устида (Афғонистон рус кўшинларининг Ўрта Осиё ичкарасига қараб ҳаракат қилиши Ҳиндистонда инглизларнинг хукмронлиги учун хавф туғдирар эди) Англия билан урушишга сал қолган эди. Аммо Англия - Россия урушини келтириб чиқариши мумкин бўлган хавфли низо, Англия билан Туркия ўртасида юз берган ва Англиянинг Мисрни босиб олиши билан тамом бўлган ихтилоф сабабли 1885 йилнинг сентябридақ тугатилди. Инглиз-рус аралаш ҳарбий комиссиялари Россия билан Афғонистон ўртасидаги чегарани белгилашга киришди. Комиссияларнинг иши 10 йилча давом этди ҳамда Россия Афғонистон ва Ҳиндистон ўртасида Эрондан Помирғача бўлган чегара чизиқларини белгилаш билан 1895 йилдагина тамом бўлди. Англиянинг Туркистонни истило қилиш планлари амалга ошмай қолди.

### **3.3. Болгариядаги воқеалар ва Россия**

Россия билан Англиянинг Ўрта Осиёдаги муносабатлари тартибга солингани ҳолда Россиянинг Австрия билан бўлган ўзаро муносабатлари тобора мураккаблашди. 1879 йилдаёқ Вена, Берлин ва Петербург ўртасидаги битим натижасида Болгария тахтига австриялик генералнинг ўғли, прусс офицери князь Александр Баттенбергский ўтқизиб қўйилди.<sup>33</sup> У мамлакатда болгарларни Россияга ўчакиштириш сиёсатини олиб борар ва Болгария турк истибдодидан озод қилингандан сўнг у ерда қолган рус офицерларни болгар армияси сафидан аста-секин сиқиб чиқаришга ҳаракат қилиб, Болгария армиясида герман таъсирини ҳар қандай йўл билан кучайтирар эди. Александр Болгарияни Россия билан боғловчи София - Систово темир

---

<sup>33</sup> Тодоров Г.Д. Болгарская общественность и русско-Турецкая война 1877-1878 годов. - М.: 1958. – С.168.

йўлини куриш лойиҳасига қарши чиқди ва Болгарияни ғарб давлатлари билан боғловчи София - Цариброд ҳамда София - Вакарелла темир йўлларини куриш лойиҳаларини тасдиқлади.

Сан-Стефан шартномасига биноан бирлашган Болгария составига кирган, Берлин трактатига биноан эса қайтадан Туркия составига қўшилган Шарқий Румелиядаги болгарлар 1885 йил сентябрида қўзғолон кўтардилар.

Бирлашган Болгариянинг Россия ҳомийлигида кучайиб кетишидан хавфсираб Австрия ҳукумати Австрия таъсири остида бўлган серб короли Миланни Болгарияга қарши урушга солди. Аммо Миланнинг қўшинлари енгилди. Александр Баттенбергский Россияга қарши турли ифвогарликларни давом эттиравергани сабабли подшо ҳукумати ўз вакилларини ва офицерларини Болгариядан чақириб олди, бу ҳол Болгарияда Александр Баттенбергскийга қарши бош кўтариб чиқишлар учун сигнал бўлиб хизмат қилди, Александр Баттенбергский мамлакатдан қочиб кетишга мажбур бўлди. Бироқ Германия ва Австрия-Венгрия ҳукуматлари тез орада Болгария тахтига ўз одамларидан яна бирини - Фердинанд Кобургскийни қўйишга муваффақ бўлдилар. Софияда Стефан Стамболов бошчилигида тузилган буржуа-реакцион ҳукумат 1889 йилнинг августидан бошлаб Болгарияда Австрия-Германия манфаатларига тўғри келадиган сиёсат олиб боришни давом эттирди. У Австрия-Германия капитализми билан маҳкам боғланган болгар буржуазияси юқори табақаларининг манфаатларини ифодалар эди. Россия билан дўстлик тарафдорларига қарши махсус ташкилотлар тузилди. Россия билан дўстлик тарафдорлари Болгарияда Д. Цанков бошлиқ миллий-либерал партия теварагига тўпланган эди.

1886 йилнинг ноябрида подшо ҳукумати Болгария билан бўлган дипломатик алоқаларини узди.

Германия ва Австрия-Венгриянинг Россияга қарши юритган сиёсати “Уч император иттифоқи”нинг тарқалиб кетишига олиб келди.

Фердинанд кенг халқ ҳаракатининг тазйиқи натижасида

Стамболовнинг германпараст ҳукумати ўрнига Стоилов ҳукуматыни тайинлашга мажбур бўлди. Лекин бу воқеа 1894 йилдагина содир бўлди. Россиянинг Болгария билан дипломатик муносабатлари эса 1896 йилда тикланди холос.

### **3.4. Россиянинг Германия билан ўзаро муносабатлари.**

Германия дипломатиясининг Россияга қарши иғво ва фитналари 1887 йил охирида Ўрта денгиз Антантаси деб аталган иттифоқнинг, яъни Австрия-Англия-Италия иттифоқининг пайдо бўлишига олиб келди. Бу иттифоқнинг асосий мақсади Туркияда рус таъсирининг кучайишига йўл қўймаслик эди. 1887 йилги яширин битимнинг саккизинчи моддасида агар Россия ўз мақсадларини амалга ошириш учун Туркиядан розилик олса учала иттифоқчининг Туркияни оккупация қилажаги айтилган эди. Шу нарса характерлики, Бисмарк томонидан илҳомлантирилиб Россияга қарши қаратилган бу Австрия-Англия-Италия яширин битимининг борлигидан подшо ҳукумати узоқ вақт беҳабар қолган эди. Шу билан бирга, Бисмарк ўзининг “дўстона муносабатлари” билан рус дипломатиясини юпатиш сиёсатини давом эттирди.<sup>34</sup>

Ўша 1887 йилда уч император шартномасининг сўнгги муддати тугади. Аммо Австрия-Венгрия билан Россиянинг Болқондаги ўзаро муносабатлари улар ўртасидаги иттифоқнинг бундан кейин яна давом этишини имкониятдан хориж қилиб қўйган эди. Эски иттифоқнинг учинчи иштирокчиси - Германия олдида Бисмаркнинг Францияга янгидан ҳужум бошлашга тайёрланиши даврида Россиянинг лоақал бетарафлик сақлашини ўз кучида қолдириш масаласи пайдо бўлди. Германия 1887 йил 18 июлда Россия билан уч йил муддатга “Муҳофаза шартномаси” деб аталган шартнома тузишга муваффақ бўлди. Лекин бу икки томонлама “муҳофаза” шартномасининг амал қилиш муддатигина эмас, бошқа шартлари ҳам жуда

---

<sup>34</sup> История России. Под редакцией А.Н. Сахарова. - М., 2006. – С.326.

чекланган эди. Россия билан Австрия-Венгрия ўртасида Австрия-Венгриянинг Россияга ҳарбий ҳужуми натижасидагина юз бериши мумкин бўлган тўқнашувда Германия бетарафлик сақлаши тўғрисида Россияга гарантия берди. Худди шунингдек, Франциянинг Германияга ҳужуми натижасидагина Франция билан Германия ўртасида содир бўладиган тўқнашувда Россия ўзини бетараф тутишга ваъда берди. Демак, Германиянинг Францияга нисбатан ўз билганича иш тутиш эркинлигини гарантиялашдан Россия 1887 йилдаёқ очикдан-очик бош тортган эди.

Россияни Франция билан бевосита иттифоқ тузишдан қайтариб туришга интилиб ва шу билан бир вақтда Россия-Англия муносабатларини маккоронасига мураккаблаштириб, Германия шартноманинг яширин иловасида подшо Россиясининг бўғозларда ўз контролини ўрнатишига ёрдам бериш мажбуриятини олди. Шартномада барча давлат ҳарбий кемаларининг бўғозларга киришига йўл қўйилмаслиги ва Россиянинг Қора денгизга кириладиган йўлни ҳимоя қилишни зиммасига олиш ҳуқуқи кўзда тутилган эди.

Петербург дипломатияси ўзининг берлинлик “иттифоқчиси”нинг Францияга қарши қаратилган режаларини қувватлашдан бош тортгандан кейин бунга жавобан Бисмарк Россияга нисбатан қаттиқ молиявий-иқтисодий чоралар кўра бошлади. Подшо Россиясининг Германия берадиган кредитларга анча боглиқ эканлигидан фойдаланиб, Бисмарк Герман банкига рус коғоз пулларини гаровга қабул қилишни тўхтатиш ҳақида фармон берди. Шундан кейин подшо ҳукумати қарз (заём) сўраб Париж биржасига мурожаат қилди ва 1887 йил баҳорида Россия Франциядан биринчи марта қарз олди. 80-йиллар охирида Россия - Германия муносабатлари “таможна уруши” деб аталган нарса туфайли ҳам мураккаблашди. Подшо ҳукумати ватан саноатига ҳомийлик қилиш ва таможна пошлиналаридан келадиган даромадларни кўпайтириш мақсадида, мамлакатга чет эллардан келтириладиган саноат маҳсулотлари тарифларини системали равишда

оширарди, Россияга саноат маҳсулотларини импорт қилган асосий мамлакат эса Германия эди. Германия қам ўз помещчикларининг манфаатини кўзлаб, у ерга Россиядан олиб бориладиган ғалладан олинадиган пошлинани системали суратда оширарди: аввалига 5, 10, 12 процент, охирида эса 25 процент оширди. 1892 йилда Германия рус ғалласига дискриминацион тариф белгилаб, ҳар бир пуд ғалладан 25 тийин пошлина оладиган бўлди. Германиянинг умумий ғалла импортида рус ғалласининг ҳиссаси уч йил мобайнида 1891-1893 йилларда 55 процентдан 14 процентга тушиб қолди. Ўзаро савдонинг қисқариши натижасида Германия ҳам, Россия ҳам анча зарар кўрди.

Мункиллаб қолгаи Бисмаркнинг ўрнини 1890 йилда эгаллаган янги герман канцлери Каприви, биринчидан, Россияни Франция билан яқинлашишдан тўхтатиб туришга бундай кейинги уриниш фойдасиз деб ва иккинчидан, Россия билан бўлган яширин иттифоқ Германия-Англия муносабатларига зарар келтиради деб, Россия билан тузилгаи “муҳофаза” шартномасининг муддатини янгилашдан 1890 йилда бош тортди. 90-йиллар бошидан Австрия-Германия дипломатияси Яқин Шарқдаги сиёсатини кескин ўзгартирди, Туркияга нисбатан бўлган “бетарафлик” позициясидан Усмонли империясини Германия-Австрия ҳарбий блокига тортиш сиёсатига ўтди.

Бундан ташқари Германия ҳукумати Россия билан алоқани узиши билан, ўзининг Африкадаги “бўш” ерларини эгаллаб олишига Лондоннинг хайрихоҳлик билан қарашини таъминламоқчи бўлиб, Англияга ҳам хушомадгўйлик қилишни давом эттирди.

### **3.5. Франция-Россия иттифоқининг вужудга келиши**

1890 йилда Германиянинг Россия билан “муҳофаза шартномаси”ни янгилашдан бош тортиши ва 1891 йилда унинг Австрия-Венгрия ва Италия билан Учлар иттифоқини янгидан тиклаши подшо Россияси билан Франциянинг бундан кейинги яқинлашуви учун қулай шароит яратди.



Франция-Россия иттифоқи подшо ҳукуматининг ташқи сиёсатида бурилиш нуқтаси бўлди. Германиянинг Россия билан тузган эски шартномасини тиклашга унамаганлиги Россиянинг яққаланиб қолишини билдирарди. Россия Ўрта Осиё ва Яқин Шарқдаги сиёсатида Англия ва Австриянинг қаршилигига учраб, оғир аҳволга тушиб қолди, унинг бу аҳволини Германия билан олиб борилаётган “таможна уруши” ҳам мураккаблаштириб юборди. Англиянинг эски душмани ва Германияни ҳам душмани бўлган Россия билан иттифоқ бўлишга ҳаракат қилган Франция билан яқинлашишни бундай шароитда Россиядан ҳаётнинг ўзи талаб қилган эди. 1891 йил ёзида Кронштадтга адмирал Жерво кўмондонлиги остида француз эскадраси келди. Француз эскадрасини кутиб олиш Россия-Франция дўстлиги намоишига айланди. Подшо ҳукумати томонидан Француз денгизчилари шарафига берилган тантанали зиёфатда Александр III Франциянинг давлат гимни “Марсельеза”ни тикка туриб тинглади. Адмирал Жерво Москвада ҳам тантанали суратда кутиб олинди.

Иккала давлатдан бирига ҳарбий хавф туғилган тақдирда иккаласи ўзаро келишиб ҳаракат қилиши зарурлиги тўғрисида 1891 йил 27 августда Парижда мактуб алмашилди. Бир йилдан кейин Россия ва Франция бош штаблари ўртасида яширин ҳарбий битим тузилди. Бу битимда агар Францияга Германия томонидан ёки Германиянинг қувватлаши билан Италия томонидан ҳарбий ҳужум бўлса, Россия Германияга қарши уруш қилади, Россияга Германия томонидан ёки Германиянинг қувватлаши билан Австрия-Венгрия томонидан ҳужум бўлганда эса Франция Германияга қарши уруш қилади, - дейилган эди. Учлар иттифоқи ёки унга қўшилган давлатлардан бири ўз ҳарбий кучларини сафарбар қилган тақдирда Франция билан Россия унга қарши катта қўшин ажратиш мажбуриятини ўз зиммасига олди: Франция 1300 минг аскар, Россия эса 700 мингдан 800 минггача аскар берадиган бўлди. 1894 йил бошида бу битим Россия императори ва Франция

президенти томонидан ратификация қилинди.<sup>35</sup>

Россия-Франция ҳарбий иттифоқи капиталистик давлатлар томонидан биринчи жаҳон урушини тайёрлашдаги иккинчи қадам бўлди. Континентнинг йирик ҳарбий давлатлари бир-бирига таҳдид қилиб турган икки катта лагерга: бир томондан, Россия билан Францияга ва иккинчи томондан, Германия билан Австрияга бўлиниб кетди. Россия билан Германия ўртасидаги тўқнашув давлатларнинг урушдан олдинги бир неча ўн йилликлар мобайнидаги бутун сиёсати билан тайёрланиб келган эди.

### **3.6. Узоқ Шарқдаги ахвол**

Подшо ҳукуматининг 80-йиллардаги ва 90-йиллар бошидаги ташқи сиёсатида Европа сиёсати масалалари, Болқон, Яқин Шарқ ва Ўрта Осиё проблемалари билан бир қаторда Узоқ Шарқ масалалари ҳам анча катта ўрин эгаллади.

Хитой ҳамда Корея билан бўлган чегарада ва капиталистик йўл билан тез ривожланиб борган Япония яқинида жойлашган бу райондаги вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари бор эди. Амурнинг чап соҳилидан Хабаровсккача ёйилиб ётган кенг ерлар, Сибирдаги бу дарёнинг қуйилиш жойи ва лимани, шунингдек, Уссурий ўлкаси XIX аср охиригача аҳоли жуда кам яшаган областлар эди.

Узоқ Шарқда одамларни кўчириб олиб бориб ўрнаштириш секин борди. Бюджетдан Узоқ Шарқ учун сарфланган 10,9 миллион сўмнинг бор-йўғи 3,5 миллион сўми у ерга кўчиб борганларнинг эҳтиёжига сарфланди, қолган 7,4 миллион сўми эса армияни, подшо маъмурий аппаратини ва каторгаларни сақлашга кетди. Аммо Узоқ Шарқ чегараларидаги подшо аскарлари турган гарнизонлар сони кўп эмас эди. 1882 йилда у ерда 19 минг солдат ва 544 офицер бор эди холос. Подшо Россиясининг шу йилларда Узоқ Шарқдаги ҳарбий кучлари заиф бўлганлигининг сабаби бу ишга керакли

---

<sup>35</sup> История России. Под редакцией А.Н. Сахарова. - М., 2006. – С.362.

даражада маблағ ажратилмаганлиги ва подшо ҳукуматининг бу ўлкада ўз позицияларини мустаҳкамлашининг ғоят катта аҳамияти борлигини етарлича англай олмаганлиги эди. Подшо ҳукумати Сибирь ва Узоқ Шарқни ўзлаштиришга кўп эътибор бермасди, ярим крепостниклик зулми остида эзилган деҳқонлар эса мамлакат Шарқидаги ғоят катта колонизацион ер фондини тез вақт ичида мустақил суратда ўзлаштира олмас эдилар.

Либерал матбуот саҳифаларида кўп марта муҳокама қилинган “колонизация проблемаси” тўғрисида шундай дейиш ҳам мумкин: Россиядаги яроқсиз ерлардан қанчасини яроқли қилиш мумкин экан, деб тахмин қилиб ўтириш фойдасиздир. Лекин Россиянинг бутун хўжалик тарихи исбот қилаётган, рус буржуа тўнтаришининг катта хусусияти бўлган бир фактни аниқ-равшан англаб олмоқ керак. Россия жуда катта колонизация фондига эгадир. Умуман деҳқончилик техникаси соҳасида олға қараб қўйилган ҳар бир қадамгина эмас, балки рус деҳқонларини крепостниклик зулмидан қутқазиш йўлида олға қараб қўйилган ҳар бир қадам ҳам аҳоли учун шу колонизация фондига жойлашиш ва экин экиш имкониятини берар эди.

Подшо ҳукумати Узоқ Шарқдаги оз сонли халқларга нисбатан эзиш-зўравонлик қилиш сиёсатини юритар эди: бурятлар, ёкутлар ва бошқа халқларни савдогарлар, руҳонийлар, саноатчилар ва подшо маъмурлари асорат остида сақлаб, уларни шафқатсиз равишда эксплуатация қиларди.

Узоқ Шарқнинг ғоят кўп табиий ер ости бойликлари жуда кам ишга солинган эди. Приморьега ва Охота денгизи ороллариغا суқилиб кирган япон ва америка саноатчилари ўлканинг табиий бойликларини йиртқишларча талар эдилар. Ўлканинг маркази - Владивосток очиқ порт бўлганидан авантюристларни, олиб-сотарларни, жосусларни ўзига жалб қиларди.

Ўлканинг Россия марказий областларидан ниҳоятда узоқлиги, йўлсизлик, Узоқ Шарқни колонизация қилишда жуда оз ютуқларга эришилганлиги ва бу энг узоқ чегарадаги ҳарбий кучларнинг заифлиги 80-

йилларда подшо ҳукуматини бу районда халқаро муносабатларни мураккаблаштирмасликка, энг агрессив дворян ва буржуазия доираларининг Узоқ Шарқда территориялар босиб олиш йўлидаги интилишларини тўхтатиб туришга мажбур қилди.

Россиянинг душманлари Англия ва Япония Хитойда Россияга қарши яширин сиёсат олиб бордилар, феодал хитой ҳукмдорларини ҳар қандай йўллар билан шимолий қўшнига қарши ўчакиштиришга ҳаракат қилдилар. Бу ҳол подшо ҳукуматининг Сибирь темир йўл магистралини қуришга бошлаш ҳақидаги қарорини тезлаштирди, бу темир йул 1891 йили қурила бошлади.

Шундай қилиб, 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошида подшо Россиясининг Узоқ Шарқдаги манфаатлари Англия, АҚШ ва Япониянинг империалистик интилишлари билан очикдан-очик тўкнашиб қолди. Япония 90-йилларнинг иккинчи ярмидан Россияга қарши урушга тайёрлана бошлади.

## Х УЛОСА

Биз ўрганишга ҳаракат қилган мавзу, яъни “XIX асрнинг иккинчи ярмида Россиянинг халқаро аҳволи ва ташқи сиёсати” мавзуси нафақат рус тарихида, балки жаҳон тарихидаги долзарб мавзулардан бири саналади. Бунга сабаб Россия тарихидаги бу жуда ҳам қисқа давр, яъни XIX асрнинг иккинчи ярми мобайнида кўплаб тарихий воқеа-ходисалар рўй берган-ки, буларнинг барчаси Россия тарихининг кейинги тараққиёт жараёнига ўзининг таъсирини сезиларли даражада кўрсатганлигини яққол кўришимиз мумкин.

Мавзунини ўрганиш мобайнида XIX асрнинг иккинчи ярми Россия тарихидаги муҳим даврлардан бири эканлигига амин бўлдик ва ўзимизнинг куйидаги хулосаларимизга келдик.

- Қрим урушини яқунланиши Европадаги вазиятни тубдан ўзгаришига олиб келди. Қрим тизими деб номланган англо-австро-француз блоки Россияни сиёсий жиҳатдан яққалаб қўйишни сақлаб қолишга ва Париж кангресси қарорлари билан таъминланган уни ҳарбий-стратегик заифлигини сақлаб қолишга мўлжалланган эди. Россия буюк давлат сифатидаги ўзини мавқеини йўқотмаганди. Бироқ мағлубият туфайли у ҳал қилувчи овоз ҳуқуқини халқаро муносабатларда йўқотди ва Қора денгизни нейтраллаш ҳақидаги модда туфайли Болқон халқларини самарали қўллаб-қувватлаш имконидан маҳрум бўлди. Шунга кўра рус дипломатиясининг асосий вазифаси шу моддани бекор қилиш учун курашиш ва Россиянинг халқаро обрўсини кучайтиришдан иборат бўлди.

- Ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари тўғрисида сўз борганда, шунини таъкидлаш мумкинки, Россия ғарбий йўналишида ўз ташқи сиёсатидаги яққаланиб қолишини йўқ қилишга интилди. Марказий Европа давлатлари билан муносабатлар анъанавий сулолавий алоқалар, уларнинг сиёсий ва ғоявий негизларининг умумийлиги билан белгиланарди. Подшо ҳуқумати Европадаги тенгсизликни сақлаб туриш учун янги сиёсий

иттифоқларни тузишга ва ўзини халқаро обрўсини тиклашга тайёр эди.

- Ўрта Осиё йўналиши катта аҳамиятга эга бўлди. Рус ҳукумати Ўрта Осиёни босиб олиш, келгусида уни ўзлаштириш ва мустамлакага айлантириш дастурини илгари сурди ва амалга оширди.

- XIX-асрнинг 70-йилларида Болқонда миллий-озодлик ҳаракатларини кучайиши билан шарқий масала яна олдинга чиқди. Болкон ярим ороли халқлари Усманийлар зулмидан озод бўлиши ва мустақил миллий давлатларини тузиш учун курашни авж олдирдилар. Бу жараёнда Россия дипломатик, сиёсий ва ҳарбий усуллар билан қатнашди.

- XIX асрнинг иккинчи яримида Россиянинг ташқи сиёсатидаги Узоқ Шарқ йўналиши секин-аста ўзининг периферия характерини ўзгартириб борди. Қрим уриши пайтида Камчаткадаги англо-француз диверсияси (қўпорувчилиги) Хитойни кучсизланиши ва уни англо-герман-француз капиталига қарам, тобе мамлакатга айлантирилиш, Япониянинг денгиз ва қуруқликдаги кучларини тез ўсиши, Узоқ Шарқда Россиянинг иқтисодий ва ҳарбий-стратегик ўрнини кучайтириш зарурлигини кўрсатди.

- Хитой билан Айгун (1858) ва Пекин (1860) шартномаларига кўра Амур дарёсининг чап қирғоғидаги ҳудудлар ва барча Уссурий ўлкаси Россияга бириктирилди. Рус колонистлари (кўчиб бориб ўрнашганлар) бу серхосил ерларни тез суръатларда ўзлаштира бошладилар. У жойларда тез орада Блюговещенск, Хабаровск, Владивосток ва бошқа шаҳарлар барпо этилди.

- Япония билан савдо ва дипломатик муносабатлар ривожлана бошлади. 1855-йилда Россия ва Япония ўртасида доимий тинчлик ва дўстлик ҳақидаги Симод битими имзоланди. Бу битим Россияни Куриль ороллари шимолий қисмига эгалик ҳуқуқини мустаҳкамлади. Россияга тегишли Сахалин ороли биргаликда фойдаланиладиган мулк деб эълон қилинди. 1875-йилдаги Петербургда имзоланган рус-япон шартномаси Сахалин оролини фақат Россия мулки эканлигини тан олди. Япония компенсация сифатида

Куриль ороллари оиди. Сахарин ва Куриль худудлари XIX аср охирида рус-япон муносабатларида кескинлик манбаи бўлиб қолаверди.

- XIX асрнинг биринчи ярмидаги анъанани давом эттириб, Россия АКШга нисбатан дўстона сиёсатини олиб борди. Англиядан фарқли тарзда, у Шимол тарафида туриб унинг кулдорлик Жанубига қарши курашди. Шундан кейин у АКШни халқаро ишларда доимо қўллади. 1867-йилда Россия амалда Америка Кушма Штатларига Шимолий Америка материгини шимолий-ғарбий қисмини - Аляска ярим оролини бўш жойларини 7,2 млн. долларга сотиб юборди. Замондошлар, бу ерларни шунча пул туриши ҳақида ўйламаганлар. Бироқ кейинчалик аниқланишича, Аляска бой фойдали казилмаларнинг (олтин, нефт) хазинаси бўлиб чиқди. Умуман олганда эса АКШ Россия билан ҳам халқаро ишларда ҳал қилинувчи рол ўйнаётган эди.

- XIX асрнинг 60-70-йилларида Россия халқаро муносабатлар тизимида Париж тинчлик шартномасини чекловчи шартларини бекор қилиш учун курашди. Қора денгизда харбий флотни ва харбий базаларни йўқлиги жанубдан ҳужум учун Россияни заиф қилиб, амалда эса бу унга халқаро муносабатларни ҳал этишда фаол ўринни эгаллашига йўл бермасди.

- Бу курашга йирик дипломат, кенг сиёсий билим даражасига эга бўлган ташқи ишлар вазири, княз А.М.Горчаков бошчилик қилди. Дастлаб, Россия ўзининг герман давлатларига таянувчи анъанавий курсини ўзгартириб, Францияга яқинлашишга интилди. 1859-йилда тузилган рус-француз иттифоқи кутилган натижага олиб келмади. Шу туфайли унинг Пруссия ва Австрия билан янгидан яқинлашиши бошланиб, Россия Пруссиянинг барча герман ерларини ўзи бошчилигида бирлаштирилишига бўлган интилишини қўллаб-қувватлади. 1870-1871-йиллардаги француз-прус урушида эса бўлмаслик мажбуриятига ўзини боглиқ деб ҳисобламаслигини маълум қилди. Пруссия нейтралитети учун миннатдорчилик тариқасида Россияни қўллади. Англия ва Австрия рус ҳукуматининг бир томонлама қарорини қоралашди, тор-мор этилган Франция эса норозилик билдириш

имкониятига эга бўлмади.

- Буюк давлатларнинг 1871-йилдаги Лондон конференцияси Қора денгизни нейтраллашни бекор қилди. Россия ҳарбий денгиз флоти, ҳарбий-денгиз базалари ва мустаҳкамланган Қора денгиз соҳилига эга бўлиш ҳуқуқини ўзига қайтариб олди. Бу ҳолат давлатнинг жанубий чегараларида мудофаа чизигини қайта тиклаш имконини берди. Бундан ташқари бўғозлар орқали ташқи савдо кенгайтирилди. Мамлакатнинг Қора денгиз бўйи региони – Новороссийск ўлкаси тез суръатларда ривожланди. Россия яна Болқон ярим ороли халқларига уларнинг озодлик ҳаракатига ёрдам кўрсата олди.

- XIX асрнинг 70-йилларида Европада халқаро вазиятда сезиларли ўзгаришлар юз берди, Франция эса прусс-франк урушидан сўнг кучсизланганди. Европанинг марказида иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан кучли янги давлат – Германия империяси юзага келди. Франция агрессив ташқи сиёсат юритиб, Европада ўз таъсирини кучайтириш, мустамлака мулкларини вужудга келтиришга ва кенгайтиришга интилди. Германия бир томонда, Франция ва Буюк Британия бошқа томонда, улар ўртасида зиддиятлар комплекси юзага келди. Австрия-Венгрия ҳам Болқонда ўз ташқи сиёсатини фаоллаштирди.

- Россия бундай шароитда Марказий Европа давлатлари билан яқинлашишга интилди. Германия Францияни батамом яққалаб қўйиш мақсадида Россия билан иттифок тузмокчи бўлди. 1872-йилда Берлинда Россия, Германия ва Австро-Венгрия давлатларини императорлари ва ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлди. Унда келгуси иттифокнинг шартлари ва принциплари тўғрисида келишиб олинди. 1873 йилда Россия, Германия ва Австро-Венгрия ўртасида уч томонлама битим - уч императорлар иттифоқи тузилди. Учала манарх ўзларининг ўталаридаги келишмовчиликларни сиёсий маслаҳатлар ўтказиш йўли билан бартараф этишга, Иттифокка аъзо томонларнинг бирига бошқа давлат томонидан ҳужум хавфи юзага келганда



бунга қарши биргаликда ҳаракатлар ҳақида келишиб олинди.

- 1875 йилда Германия билан Франция ўртасида янги қарама-қаршилик юзага келди. Россия Германия билан иттифоқчилигига қарамасдан Францияни ҳамоя қилиб чиқди, уни Буюк Британия кўллади. Германия ортга чекинди, Франция тор-мор этилишдан қутқариб қолинди, бироқ рус-герман муносабатларида ишончсизлик ўсиб борди. Гарчи кейинчалик уч император бир неча марта иттифоқ тарафдорлигини тасдиқлашди, рус дипломатияси борган сари бошқа ҳамкорлар топиш зарурлигини тушуна бошлади. Рус-француз яқинлашуви имконияти аста-секинлик билан кўрина бошлади.

- Россиянинг жанубий-шарқда кенг Ўрта Осиё ҳудудлари жойлашган бўлиб, жойда Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликларидан иборат давлатлар бор эди. Буларнинг орасида анча ривожлангани Бухоро амирлиги бўлиб, бир неча йирик шаҳарларида савдо ва хунармандчилик эди. Бухоро ва Самарқанд эса Ўрта Осиёнинг муҳим савдо марказлари бўлган. XIX асрнинг II ярмида Буюк Британиянинг ҳудудларга киришига интилиши ва уларни ўзининг мустамлакасига айлантиришга ҳаракат қилиши туфайли вазият тубдан ўзгарди. Россия бевосита ўзининг жанубий чегараларига яқин жойда “Англия шери”ни пайдо бўлишига йўл қўя олмасди. Англия билан рақобатчилик Ўрта Шарқда рус ташқи сиёсатини фаоллашишини асосий сабаби бўлди.

- Шарқий танглик ва 1877-1878-йиллардаги рус-турк уруши масаласини ёритишда авваломбор, шунини таъкидлаш лозимки, Париж тинчлик сулҳининг асосий, Қора денгизни нейтраллаш тўғрисидаги моддаси бекор қилинганидан кейин Россияга яна Болқон ярим оролининг халқларнинг Усманийлар зулмига қарши курашда фаол ёрдам кўрсатиш имкониятини берди.

- XIX асрнинг 70-йилларида шарқий тангликнинг биринчи босқичи бўлиб ўтиб, 1875 йилда Босния ва Герцоговина кейинроқ Болгария, Сербия, Черногория ва Македонияда турклар зулмига қарши кўзғолон кўтарилди.

1876 йил ёзида Сербия ва Черногория султонга қарши уруш эълон қилди. Турклар Болгарияни ўзида 30 мингга яқин одамни қиличдан ўтказди. Европа давлатлари ва биринчи навбатда Россиянинг ёрдамсиз бу халқларнинг кураши мағлубиятга учраши аниқ эди.

- Болқон масаласида Ғарбий Европани пассивлигини назарга олиб рус ҳукумати 1876 йилда султондан славян халқларини қирғин қилишни тўхтатишни ва Сербия билан сулҳ тузишни талаб қилди, бироқ турк армияси ўз ҳаракатларини давом эттирди. 1877 йил апрелда Россия Усмон империясига уруш эълон қилди. Шарқий тангликнинг иккинчи босқичи бошланди. Бу пайтда рус қўшини ҳам тўла замонавий талаблар бўйича куруллантирилмаганди. Шунинг учун рус қўмондонлиги тез суръатларда жанг уруш ҳаракатларини яқунламоқчи бўлди. Жанглар Болқон ва Кавказортида олиб борилди. 1877 йил майида рус қўшини Руминияга кириб, Дунайдан кечиб ўтиб, бунга унга болгор кўнгиллилари ва мунтазам қўшин қисмлари кўмаклашди. Рус қўшинларига М.Д. Скобелев, М.М.Дрогомиров, И.В.Гурко каби генераллар қўмондонлик қилишди. Асосий жанглар Болгария ҳудудидаги Плевна, Шипка, Тирнова учун олиб борилди. 1878 йилда рус қўшинлари Андриополни эгаллашда, Константинополга яқинлашди. Кавказортида Қора денгиз бўйидаги Абхазия тўла эгалланди. Туркияни мағлубияти аниқ бўлиб қолди. 1878 йил февралда Сан-стефано тинчлик сулҳи тузилди. Сербия, Руминия ва Черногория илгари автономияга эга бўлган бўлса, энди мустақилликка эришди. Болгария, Босния ва Герцоговина эса автоном князликларга айланишди. Россия Жанубий Бессарбияни қайтариб олди. Кавказда Батум, Карс, Ардаган ва Баязид каби янги таянч пунктларни қўйла киритиб, бу қалъалар Кавказортида Туркияга тайзик ўтказиш учун муҳим стратегик аҳамиятга эга эди.

- Шарқий тангликни учинчи босқичи 70-йилларда бўлиб ўтиб, бунда ғарб давлатлари Сан-стефано битимининг шартларини тан олишдан бош тортишда ва янги халқаро конгрессни чақиришни талаб қилишди.

- 1878 йил Июнда Берлинда конгресс очилди, унда Россия, Туркия, Англия, Франция, Германия ва Австро-Венгрия иштирок этди. Россия батамом яккаланиб қолди. Европа давлатлари ягона фонд бўлиб қатнашиб ўз хоҳишларини рус дипломатиясига тайзиқ қилишди. Уларнинг асосий мақсади Болқонда руслар таъсирини тугатиш ва Россиянинг ғарбий ғалабаларини натижаларини камситишга уринишди. Бунда улар Болқон халқларини манфаатларини кам эътиборга олишарди.

- Берлин конгрессида имзоланган битим Сан-стефано сулҳи шартларини янча даражада ўзгартирди. Болгария икки қисмга бўлинди. Унинг шимолий қисмигина ўз ҳукумати ва миллий армиясига эга бўлган автоном давлат бўлди. Жанубий қисми эса Туркиянинг зулми остида қолди. Сербия, Черногория ва Руминиянинг мустақиллиги таъкидлансада, бироқ уларнинг ҳудуди сезиларли қисқартирилди. Австрия-Венгрия эса Босния ва Герцоговинани оккупация қилди. Англия эса Туркияни қўллагани учун Кипр оралини олди. Усманийлар империясининг парчаланиши бошланди.

- XIX асрнинг сўнгидаги Россиянинг ташқи сиёсати масаласига келсак, Берлин конгресси Европадаги кучларни янгидан жойлаштирди. Англо-австрия блокини ғалабасига Германиянинг тутган ўрни кўмак берди. Бу австро-герман яқинлашувини мустаҳкамланишига имкон берди. Шу билан бирга Россиянинг, Германия ва уч император иттифоқини кўзлаб иш кўриши асоссиз эканлиги маълум бўлди. Россия Германияга нисбатан ишончли бўлган янги иттифокчини излашга мажбур бўлди.

- XIX асрнинг охири чорагида, Россия, Англия, Франция, Германия ва Австро-Венгрия каби буюк давлатлар ўртасидаги ихтилофлар чуқурлашиб боргани сари, Европадаги кескинлик мунтазам кучая борди. Уларнинг қарама-қаршилиги дунёдаги вазиятни белгилаб бериб, бошқа давлатларнинг манфаатларига ҳам дахлдор эди.

- Можаролар кўплаб регионларни: Яқин ва Ўрта Шарқ, Болқон ярим ороли, Шимолий Африка, Узок Шарқ, Жанубий-Шарқий Осиёни

камраб олганди. Шунинг учун бошқа давлатлар сингари Россия учун ҳам бу ихтилофларда ўз вазифаларини хал этиш учун иттифоқчиларни излаш муҳим муаммога айланди. XIX аср охири – XX аср бошлари, икки душман блокларни ташкил топишини бошлаб берди.

- Учлар иттифоқи. блокларнинг дастлабкиси 70-йиллар охирида юзага кела бошлади. 1879 йилда Германия ва Австрия яширинча, махфий равишда Россия ва Францияга қарши иттифоқ тузишди. Бунга Италия қўшилгандан кейин, 1882 йилда Марказий Европа давлатларининг Учлар иттифоқи юзага келди. Ушбу иттифоқ Болқон, Яқин ва Ўрта Шарқда агрессив сиёсат олиб борди. Австро-Венгрия эса Сербияни босиб олишга тайёргарлик кўрди. Германия эса Туркия ва Ироқда ўз таъсирини ошириб, Африка ва Узоқ шарқда ўз мустамлакачилик сиёсатини фаоллаштирди.

- Канцлер О.Бисмаркнинг “Немисларга ҳам қуёш остида ўз ўрни керак” деган жонли ибораси Герман дипломатиясининг шиорига айланди.

- Уч императорлар шартномасини икки марта (1881 ва 1884) узайтирилиши ва 1882 йилда “қайта кафолатлаш битими”ни имзоланганлигига қарамасдан, рус герман муносабатларида ишончсизлик кучая борди. Иккала томон ҳам бир-бирига протекционистик (томожная) божхона нархларини ва ноқулай савдо шароитларини тикиштиришган. Германия шу пайдан бошлаб Россия ва Францияга қарши урушга тайёргарлик кўра бошлади. Герман бош штаби XIX асрнинг 80-йилларидаёқ бир-бирига ўхшаш ҳарбий-стратегик режаларини ишлаб чиқишга киришган эди.

- Рус-француз иттифоқи юзага келиш масаласига келсак, шуни таъкидлаш мумкинки, Россия ўзининг ташқи сиёсати йўналишида Марказий Европа давлатларига яқинлашишидан иборат анъанасидан воз кечишига ва янги иттифоқчилар излашга мажбур бўлди. У фаол равишда Франция билан яқинлаша бошлади. Уни бундай йўл тутишига Германияни Яқин Шарқдаги русларга қарши сиёсати, герман милитаризмининг ўсиши ва 1891 йилда Учлар

иттфоқини қайта тикланишига туртки бўлди. Франция Европада Германиянинг кучайишидан унинг мустамлакачилик даволарининг ўсишидан хайиқарди. Шунинг учун у Россия билан яқинлашишидан манфаатдор эди.

- 1891 йил июлда Франция эскадраси Кронштатга келди. Бир пайтнинг ўзида ҳарбий кемаларнинг ташрифи билан бир қаторда дипломатлар ва ҳарбийларнинг иттифоқ тузиш ҳақидаги рус-француз музокаралари бўлиб ўтди. 1891 йилда мабодо томонларнинг бирига Германия ёки Австрия-Венгриянинг хужуми хавфи солса биргаликда ҳаракат қилиш ҳақида биринчи хужжатлар - сиёсий битим ва ҳарбий конвенция имзоланди. 1893 йилда конвенцияни ратификация қилиниши муҳофаа ҳаракатини ва Германияга қарши қаратилган рус-француз иттифоқини батамом расмийлаштирилишини аниқлатган. Икки қарама-қарши турган иттифоқларни (Учлар ва рус-француз) юзага келиши билан халқаро муносабатлар тарихида янги босқич бошланиб, бу Европада зиддиятларнинг чуқурлашуви ва буюк давлатларнинг таъсир доираси учун келгусида дунёни бўлиб олиш бўйича кескин кураши билан боғлиқ эди.

Демак, Россия тарихидаги бу жуда ҳам қисқа давр, яъни XIX асрнинг иккинчи ярми мобайнида юқорида таъкидланган ва таҳлил қилиб беришга ҳаракат қилинган жуда кўплаб тарихий воқеа-ходисалар рўй берган-ки, улар мамлакатнинг кейинги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва халқаро тараққиётига катта таъсир кўрсатган деб хулоса чиқаришимиз мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т-2. - Т.: “Ўзбекистон”. 1996.
2. Каримов. И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. - Т.: “Ўзбекистон”.1997
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: “Шарқ” 1998
4. Каримов И.А. Юксак маънавият–енгилмас куч. - Т.: “Маънавият” 2008
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”. 2011.
6. Ўзбекистон Республикаси ФА қошидаги Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори // Халқ сўзи.1998. 28 июль.
7. Абдурахмонова Д, Рустамова Г. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида мустамлака ҳокимияти тизими. - Т., 1999
8. Ахмад Муҳаммад Турсун. Зукколар китоби. - Т.: Мухаррир, 2010
9. Бекмуҳамедов Х. Тарих терминлари изоҳли луғати. - Т.: Ўқитувчи. 1978.
10. Гадоев К. Сайёрамиз мўъжизалари. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
11. Гинзбург А. Русское население в Туркестане. - М., 1991
12. Головатенко А. История России: спорные проблемы. - М.,1993.
13. Дружинин М.Н. Государственные крестьяне и реформа. - М.,1963.
14. Ерошкин Н.П. Крепостническое самодержавие и его политические институты. - М., 1981.
15. Зиёев Ҳ. Ўзбек хонликлари Россия империяси томонидан босиб олиниши тарихига доир. - Т.,1990
16. Зияев Х. Средняя Азия и Сибирь XVI-XIX вв - Т., 1962
17. История России. Под редакцией А.Н. Сахарова. - М., 2006.

- 18.История России. С древнейших времен до 1861 года. - М., 2000.
- 19.История и исторография национально-освободительных движений второй половины XIX - начала XX вв. Средней Азии и Казахстана. - Т.,1989
- 20.История Отечества: люди, идеи, решения. - М.,1991
- 21.История России под. Ред. М.Н.Зуева и А.А .Чернобаева. - Москва, «Высшая школа» 2001
- 22.История России . М., 2002
- 23.Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестана (1867-1917) - Т., “Фан” 1997
- 24.Исхаков Ф. Центральная Азия и Россия в XVIII - нач. XX вв. - Т., “Ўздав матбуоти”, 2009
- 25.Жаҳон мамлакатлари. Қисқача маълумотнома. Т. 2006.
- 26.Карасев В.Г. Основные черты социально экономического развития Сербии в конце 60 х - начале 70х годов XIX века. - М.: 1952.
- 27.Карпилов А.А. Курс истории России. - М ., 1991
- 28.Кастельская З. Из истории Туркестанского края. (1865-1917) - М. 1980
- 29.Ключевский В. Краткое пособие по русской истории. - М., 1991
- 30.Лафасов М. Холиқов Э. Қодирова Д. Жаҳон тарихи. - Т., 2002
- 31.Мухаммаджонов А, Неъматов Г. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига оид баъзи манбалар. - Т., “Фан”, 1957
- 32.Орлов А. Георгиев В, Георгиева Н, Сиховина История России - М., “Проспект” 2001
- 33.Павленко Н.И. и др. История России. - М., 1992
- 34.Павлов М.И. Народные герои России. - М., 1989
- 35.Писарев Ю.А. Освободительная борьба народов Боснии и Герцоговины и Россия 1850-1864. Документы. - М.: 1985.
- 36.Рейснер И.М. История стран зарубежного востока. - М.: 1952.
- 37.Рожкова М. Экономические связи России со Средней Азии 40-60 годы

XIX в. - М. 1963

38. Садиқов А. Россия и Хива в конце XIX–начала XX века - Т., 1972
39. Социальная история России. Том II. Под общей редакцией В.И. Жукова. - М.: Изд. МГСУ 1998.
40. Тарле Е.В. История XIX века. - М.: 1939.
41. Тодоров Г.Д. Болгарская общественность и русско-Турецкая война 1877-1878 годов. - М.: 1958.
42. Фёдоров В.А. История России. 1861-1917. - М., 2000.
43. Фомченко А. Русские поселения в Туркестанском крае. - Т., “Фан” 1983
44. Халфин Н. Политика России в Средней Азии (1857-1868) - М., 1960
45. Хидаятов Г. Из истории англо-русских отношений в Средней Азии в конце XIX в. (60-70 гг) - Т.: 1969.
46. Хрестоматия по истории СССР . - М., 1987
47. Шеремет В.И. Османская империя и Западная Европа во второй трети XIX века. - М.: 1986.
48. Юлдошев М. К истории торговых и посольских связей Средней Азии с Россией в XVII-XIX вв. - Т., “Фан” 1964
49. Якунин А. Народы Средней Азии и Россия - М., 1954

### **Интернет манзиллари**

- PREZIDENT.UZ (Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг расмий веб-сайти).
- <http://www.grid.rug.nl/ahc/>
- <http://www.Library.Byu.edu/-rdh/eurodocs/>
- <http://www.history.hanover.edu/texts.htm>
- <http://www.ucr.edu/h-gig/horuslinks.html>
- <http://www.english.hss.cmu.edu/history>
- <http://www.ukans.edu/history/v1/>
- <http://www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwii/index.html>



- [http: // www.lib.byu.edu/-rdh/ww1/](http://www.lib.byu.edu/~rdh/ww1/)
- [http: // classics.mit.edu](http://classics.mit.edu).
- [http: // www.washlaw.edu/forint/](http://www.washlaw.edu/forint/)
- [http: // www.yole,edu/Lawweb/avolon.htm](http://www.yole.edu/Lawweb/avolon.htm)